

Обод маҳалла,  
обод юрт  
обод кўнгилдан  
бошланади.



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Ислом КАРИМОВ

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 27-fevral, chorshanba №17 (8562)

## МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Обод турмуш тушунчаси азалдан, авваламбор, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, кут-барақа деган маънони англади. Истиқлол йилларида бу тушунчалар янада чуқур маъно-мазмун билан бойиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, биз учун энг азиз ҳамда муқаддас бўлган қадриятларни асраб-авайлашни ҳам ўзида мужассам этмоқда.

2013 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Обод турмуш йили" Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Давлат дастурининг биринчи бўлимида мамлакатимизда баркарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро товуликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлигини изчил юксалтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Уларни амалга ошириш учун миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, фуқаролик институтларини янада ривожлантириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда

## 2013-yil — Obod turmush yili

фуқароларнинг иштирокига доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда бутун жамият ишига айланиши лозим бўлган экологик аҳволни янада яхшилашга қаратилган саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида қабул қилиниши режалаштирилган аксарият қонунлар лойиҳалари Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган.

(Давоми 3-бетда.)

## ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг муносиб турмуш даражаси ҳамда ҳаёти сифатини оширишга қаратилган. Ушбу вазифаларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 14 февралда имзоланган қарорига мувофиқ қабул қилинган "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

Даромадларнинг ўсиши эса бандликни ошириш орқали таъминланади. Жумладан, янги ишлаб чиқариш объектиларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш (57,9 минг), кичик корхоналар ва микрофирмаларни (367,8 минг), яқка тартибдаги тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш (117,7 минг), касаначиларнинг барча шакллари ташкил этиш (218,4 минг), фермер ва деҳқон хўжалиқларини (124,1 минг), ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш (73,1 минг), иқтисодий ночор ҳамда фаолият кўрсатмаётган корхоналарни қайта тиклаш (13,7 минг) ҳисобидан 972,7 минг янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

(Давоми 5-бетда.)

Маълумки, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртидан кейинги бир босқичли таълим тизими жорий этилди. Шунга кўра, олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тизими ишлаб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан 2012 йил 24 июлда Президентимизнинг «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган, унда илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли тизими ривожланган де-

## ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА ЯНГИ ТАЛАБЛАР

мократик мамлакатларда қабул қилинган меъёрларга мос келмаслиги эътиборга олиниб, халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ илмий даража бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш вазифаси қўйилган эди. Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

### Farmon va ijro

Қарор асосида қабул қилинган «Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари»да олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқитиш шартлари ва муддатлари, уларга қабул қилишнинг тартиблари, олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига кирувчиларга қўйиладиган талаблар, олий ўқув юртидан кейинги таълим

институтларида ўқитиш ташкил этиш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга қўйиладиган умумий малака талаблари белгиланган. «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом» эса илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш имкониятини беради. Мазкур ҳужжатлардаги баъзи жиҳатлар хусусида газетамизга муштарийлар, хусусан, илмий тадқиқотчи, мутахассис изланувчи ва магистрлардан кўплаб саволлар келиб туш-

моқда. Уларга ойдинлик киритиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси мутасаддиларига муножот этди:

— Фармонга кўра, бакалаврият битирувчилари ҳам тадқиқотчи сифатида фаолият олиб бориб, фан доктори даражасини олиши мумкинлиги белгиланган. Шу ўринда аниқлик киритиб ўтсангиз, бакалаврият ва магистратура битирувчиларининг катта илмий ходим-изланувчилар институтига қабул қилинишида фарқ ва ўхшашликлар нимадан иборат?

(Давоми 7-бетда.)

## БАҲС-МУНОЗАРА

ўқувчиларни мустақил фикрлашга чорламоқда

Адабиёт сарчашмаларидан баҳрамандлик ўқувчи маънавиятининг юксалишига, дунёқараши кенгайишига ҳисса қўшади. Бадий асарлардан олинган тасвуротларни баён этиш орқали эса ўқувчи билими мустаҳкамланиб, нутқи равон бўлади. Бу хусусиятлар ўқувчи келажақда қайси соҳани танламасин фаолиятида муҳим ўрин тутаяди.


Олмазор энгил саноат касб-хунар коллежи она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Феруза Узоқова адабиёт сабоқларини интерфаол тарзда ташкил этади. Бадий асарлар бўйича муҳокама уюштириб, баҳс-мунозараларда ўқувчилар билимини тоблайди.

— Дарсларнинг қизиқарли ўтишини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация ва илгор педагогик технологиялардан унумли фой-

даланаман, — дейди Феруза Узоқова. — Шунингдек, дарсда ҳар бир ўқувчининг фаол иштирокини таъминлаш учун қизиқарли савол-жавобларга ўрин бериб мустақил фикр билдиришга имкон яратаман. Мунтазам равишда адабий кечалар уюштириб, "театр сахнасидаги дарс" шаклидаги ноанъанавий машғулотлар ташкил этаётганим ўз самарасини бермоқда.

Бурхон РИЗОКУЛОВ  
олган сурат.





Bilimlar bellashuvi

## ИҚТИДОРЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

**Билимлар беллашуви ёшларни фанларга қизиқтириш, иқтидорини шакллантириш баробарида таълим муассасалари фаолиятини ҳолисона баҳолаш ҳамда рейтингини аниқлашда ҳам муҳим мезон бўлиб хизмат қилмоқда.**

Чирчиқ шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими 5—8-синф ўқувчилари ўртасида 13 фан бўйича беллашувнинг шаҳар босқичини ўтказди. Билимдонлар 2-мактабда филология, 8-мактабда аниқ фанлар, 10-мактабда эса ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича қизгин беллашди.

Беллашувни ўтказиш тартиби, баҳолаш мезонлари билан танишгач, иштирокчилар белгиланган топшириқ-

ларни бажаришга киришдилар. Жами 666 нафар ўғил-қиз синфлар кесими ва фанлар йўналишига кўра кўп вариантлик асосида диктант, ёзма иш, ижодий баён, матн яратиш ҳамда тест саволлари орқали баҳс олиб боришди.

— Мен тарих фанидан беллашувда иштирок этдим, — дейди 18-мактабнинг 6-синф ўқувчиси, 1-ўрин соҳиби Мақсад Саидов. — Устозим Жасур Розиков билан бирга пухта ҳозирлик кўргандик. Шу боис топши-

риқларни бажариш деярли қийин бўлмади.

Билимлар беллашувининг шаҳар босқичи натижалари таҳлил этилиб, умумий ўрта таълим мактабларининг рейтингини аниқланди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, беллашувда 1-ўринни эгаллаган 33 нафар голибдан 17 нафари 9-умумий ўрта таълим мактабидан. Бу эса умумий натижанинг 51,5 фоизини ташкил этади. 2, 8, 12, 18, 21, 26-мактаб ўқувчилари она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёти, ўзбек тили, тарих, кимё, биология, давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари фанларидан юқори кўрсаткича эришдилар.

**Ғолиб БАХРОМОВ,**  
«Ma'rifat» мухбири

**Мамлакатимизда касб-хунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш, уларнинг мустақил иш юритишлари учун имкон яратишга эътибор берилётгани бежиз эмас. Банклар орқали имтиёзли кредит олган ўнлаб, юзлаб ёшлар янги иш ўринлари яратиш билан нафақат ўзи, балки тенгдошларини ҳам иш билан таъминлашмоқда. Бу, ўз навбатида, оилавий тадбиркорлик ривожига самарали таъсир этапти.**

## ЁШ ТАДБИРКОРЛАР

ЎЗ ТЕНГДОШЛАРИНИ ҲАМ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАЯПТИ

— Жалакудук агросаноати касб-хунар коллежини 2012 йилда битирган ўқувчилардан 21 нафари тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, "Микрокредит-банк"дан 3 миллион сўмдан имтиёзли кредит олди, — дейди халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши депутати Малика-хон Юсупова. — Бу маблағлар битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун дастлабки сармояни шакллантиришга хизмат қилди.

Кувонарли жиҳати шундаки, ёш тадбиркорлардан 7 нафари фаолиятини кенгайтириб, бугунги кунда ўзларидан ташқари яна етти тенгқури учун ҳам иш ўринлари яратди. Мисол учун, Озодахон Тошланова ва Ширинхон Абдувоҳидова чеварлик устоналарини ташкил этишди. Саодатхон Эгамбердиева эса аёллар гўзаллик сало-

нининг соҳибасига айланди. Иброҳимжон Исоқов олган кредити ҳисобидан фотостудия очди.

Жалакудук хизмат кўрсатиш коллежи битирувчиларидан 30 нафари ҳам имтиёзли кредит олган эди. Шундан 19 ёш йигит-қиз маблағни чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирди. Қолганлари эса турли соҳалар, айниқса, ўзлари коллежда ўрганган касби йўналишида тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборишди. Бугунги кунда Эътиборхон Низомова, Саломат Абдуваҳобова, Авазбек Соқиев ва бошқалар ўз ишини анча йўлга қўйиб олишди.

Уларнинг барчаси ҳозирги кунда бошланғич муваффақиятларни қўлга киритиб, ўз оиласи фаровонлигига ҳисса қўшишмоқда.

Орифжон СИДДИКОВ

2013-yil — Obod turmush yili

## МАҲАЛЛАДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

**Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Оққўрғон маҳалласида Обод турмуш йилига бағишланган меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда корхона, ташкилот ва муассасалар бўш иш ўринлари билан иштирок этди.**

Мирзо Улуғбек тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидан маълум қилишларича, туманда эллик икки маҳалла, ўн касб-хунар коллежи мавжуд. Аҳоли ва коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида мунтазам бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилмоқда.

— Бу йил коллежни битириб, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мутахассислигига эга бўлман, — дейди Мирзо Улуғбек тумани транспорт коллежи ўқувчиси Равшан Қурбанов. — Ушбу меҳнат ярмаркасида Ташкент трактор заводига ишга жойлашиш бўйича зарур тавсияларни олдим.

Муниса Хўжаева Мирзо Улуғбек тумани информатика коллежиде ахборот технологиялари йўналиши бўйича таҳсил олмоқда. У дарсдан бўш вақтида таъ-

лим масканидаги тўғарақда тикуччиликни ҳам ўрганмоқда. Меҳнат ярмаркасида "Bf textile" энгил саноат корхонаси томонидан тақлиф этилган иш шариоити Мунисага манзур бўлди ва у корхона билан шартнома тузди.

Мазкур корхона бугун кенг асортиментдаги истеъмол товарлари ишлаб чиқармоқда. Жорий йилда янги цехлар очилиши ҳисобидан икки юз элликта қўшимча иш жойи яратилади. Бу ўринларга малакали мутахассисларни жалб этишда меҳнат ярмаркалари жуда қўл келаётир. Меҳнат ярмаркасида тўқсон нафарга яқин ёшлар ва хотин-қиз "Bf textile" корхонасида ишлаш истагини билдирди. Уларнинг аксарияти саноат йўналишидаги касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

**Б.ХИДИРОВА,**  
Ўза мухбири



## АКТ ЁРДАМИДА МАЗМУНЛИ МАШҒУЛОТЛАР

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 227-мактабда Халқ таълими вазириликнинг "Умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг замонавий ахборот коммуникация технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги буйруғи асосида малака оширган педагоглар иштирокида амалий машғулот ўтказилди.

Дастлаб мактабнинг тажрибали математика ва информатика ўқитувчилари Мавлуда Мамараҳимова ва Шаҳодат Нурматованинг очик дарслари тингланди ва муҳокама этилди.

— Ўқитувчининг ҳар бир дарсни қизиқарли ва мазмунли ўтиши катта аҳамиятга эга, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходими Т.Пўлатова. — Замонавий педагогик методлар ва ахборот технологияларини пухта ўзлаштириш машғулотнинг қизиқарлилигини таъминлайди. Ушбу тадбирда ҳам асосий эътибор АКТдан фойдаланиб ўқувчиларга интерфаол усуллар орқали дарс ўтишга қаратилди. Мавзу юзасидан ўқитувчилар ўзаро фикр алмашдилар.

**Б.РИЗОКУЛОВ** олган сурат.

# МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Янги тахрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида" ҳамда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Халқимизга хос яшаш тарзи — маҳалла каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга мамлакатимизда истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимиз маънавиятини, унинг миллий ўзлигини англаш туйғусини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда маҳалланинг роли ҳамда ўрни бекиёсдир.

Давлат дастурида кўзда тутилган янги тахрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, маҳаллий аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимида унинг функцияларини янада кенгайтиришга қаратилган.

Шу мақсадда лойиҳада фуқаролар йиғинларининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз қариялар, пенсионер ҳамда ногиронларни аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни истаган шахсларни ўқитиш бўйича маслаҳат марказларини ташкил этишга доир ваколатларини кенгайтириш масалалари батафсил тартибга солинган.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга бундай сайловлар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда демократлаштиришга йўналтирилган қатор муҳим нормаларни киритиш таклиф этилмоқда. Ҳужжатда фуқаролар йиғини раислари ҳамда маслаҳатчилари номзадлари кўрсатиш ва сайлаш масалалари батафсил белгиланади.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, ҳаётимизда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролин янада ошириш, фуқароларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий фаолигини юксалтириш, маҳалла ва умуман, мамлакатимизда рўй бераётган барча воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшашига кўмаклашади.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида давлатнинг айрим вазифалари, шу жумладан, назорат функциялари жамоат ҳамда нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич берилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмни яратишга хизмат қилади. Унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, предмети, шунингдек, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми, жамоатчилик назоратини амалга ошириш асослари, унинг субъектлари, давлат органлари мансабдор шахслари ва бошқа хизматчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланади.

Буларнинг барчаси давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, давлат органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, белгиланган вазифалар ижроси бўйича уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилиш, тегишли давлат дастурларини амалга ошириш мақсадида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Унда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик принциплари, шакллари ва йўналишлари, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, ахборотлаштириш, спорт ва маданиятни, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшларга оид сиёсатни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида фуқаролик жамияти институтларининг ишти-

рок этиш механизмлари очиб берилади.

Бундай янгича ёндашув мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг масъулиятини янада оширади. Қонун лойиҳасида таклиф этилаётган ижтимоий шерикликда тадбиркорлик субъектларининг иштирок этиш механизми бизнеснинг ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жойларда ва умуман, бутун мамлакатимиз бўйлаб ривожланишга оид вазифаларни амалга ошириш учун жамият ресурсларини сафарбар этиш имконини беради. Уларнинг аниқ йўналтирилгани ва самарадорлигини, шунингдек, қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасида янги имкониятлар очади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролар murojaatларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада тўқсондан ортиқ бошқа қонунлар ва икки юзта қонуности ҳужжатларидан иборат самарали қонунчилик базаси шакллантирилган. Фуқароларнинг murojaat қилиш ҳуқуқлари тегишли қонун билан мустаҳкамланган бўлиб, мазкур ҳужжат ушбу murojaatларнинг давлат органлари томонидан кўриб чиқиш тартибини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, айти пайтгача юридик шахсларнинг murojaatлари тўғрисида алоҳида қонуннинг йўқлиги уларни кўриб чиқишда турли ёндашувларга сабаб бўлмоқда.

Бу борада Давлат дастурида кўзда тутилган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг murojaatлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси долзарб аҳамият касб этади. Унда бундай murojaatлар, чунончи, юридик шахслар murojaatлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган зиддиятларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада тегишли жавобгарликни белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини битирган ҳамда давлат грантлари асосида ўқиган ёшларнинг ишга жойлашишида қўшимча кафолатлар яратиш, шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш белгиланган. Унда ишга жойлаштириш жараёнига тижорат ташкилотларини ҳам жалб этиш кўзда

тутилмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ходимлар ва иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинади. Айти пайтда ушбу ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилмоқда.

Судларда ишлар ҳар томонлама кўриб чиқиши ва бундай масалаларни ҳал этиш учун ҳуқуқий билим зарурлиги муҳим аҳамият касб этиши инобатга олинган ҳолда, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни суд кўриб чиқиш ваколатларини судларга бериш таклиф этилмоқда.

Таклиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олувчилар ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш, фарзандликка олиш сир сақланишига риоя этиш ва ушбу соҳадаги қонунчилик бузилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Айти пайтда экология муаммолари глобал хусусият касб этмоқда. Мамлакатимизда бундай масалалар давлат даражасида ҳал қилинмоқда. Бу борада "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, табиати муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш соҳасида жамоатчилик муносабатларини тартибга солади. Қонунда экологик назоратнинг 4 тури — давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати белгиланган. Бунда илк бор нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жамоатчилик экологик назоратининг субъектлари сифатида белгилаш таклиф этилмоқда.

Мухтасар айтганда, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида кўзда тутилган миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

### Yangiliklarda yurt nafasi



**Жиззахда инновацион ғойлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтди**

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий инновация ва технологиялар трансфери маркази билан ҳамкорликда ўтказилган бу галги ярмаркада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа идоралар тасарруфидаги 50дан зиёд илмий, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ташкилотларининг янги технология ва ишланмалари намойиш этилди.

Ярмаркада намойиш этилган энергетика ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, ахборотлаштириш ва коммуникация, қишлоқ ҳўжалигида биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, кимё sanoati ҳамда нанотехнологияларга оид ишланмалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир доирасида янги технология ва ишланмаларни вилоят иқтисодиёти тармоқларига жорий этиш юзасидан илмий муассасалар, муаллифлар билан sanoat қорхоналари, ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ўртасида кўплаб шартномалар имзоланди.

**Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган ййгилиши бўлиб ўтди.**

Бугунги кунда вилоят аҳолисининг қарийб 40 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Уларнинг тўлақонли билим олиши, соғлиғи, ижтимоий ҳимояси ва бошқа қонуний манфаатларини таъминлаш борасида вилоятда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими муассасаларида 343 мингдан зиёд ўғил-қиз замонавий шарт-шароитларда таълим-тарбия олмақда.

Тадбирда "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонун ижроси юзасидан вилоятда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Соҳага оид қонунчилик ижросини таъминлашда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

**Навойида фольклор-этнографик жамоалар, бахши шоирлар ва катта ашула ижрочиларининг анъанавий вилоят фестивали бўлиб ўтди.**

Вилоят маданият ва спорт ишлари, матбуот ва ахборот бошқармалари, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси, Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган танловда иштирокчилар миллий қадриятларимизга бағишланган чиқишларини намойиш қилди.

Хатирчи, Қизилтепа ва Нурота туманларининг "Ёр-ёр", "Ванғози" ҳамда "Нуржаҳон" фольклор-этнографик бадийи жамоалари танловда юқори ўринларга лойиқ деб топилди ва ушбу йўналишда республика миқёсида ўтказиладиган танловларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Сирдарё вилоятида тадбиркор аёлларнинг иқтисодий билимларини оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.**

Мирзаобод туманида ташкил этилган семинарда аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, шу асосда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда хотин-қизларга бизнес-режа тузиш, бизнесни бошқариш, маркетингинг йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритиш бўйича зарур маълумотлар берилди. Юзлаб иш ўрни яратишга қартилган ушбу лойиҳалар молия-банк муассасалари вакилларининг ҳам эътиборини тортди.

Тадбир якунида бир гуруҳ тадбиркор хотин-қизларга ўз лойиҳалари учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берадиган сертификатлар топширилди.

**ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.**

### Соғлом турмуш тарафдорлари

**Чирчиқ шаҳридаги 25-мактабда «XXI аср ёшлари — соғлом турмуш тарафдорлари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.**

Гиёҳвандлик, терроризм, одам савдоси ва диний экстремизм сингари иллатларга қарши ёшлар онгиди иммунитетни янада мустаҳкамлашга қаратилган тадбирда шаҳар ИИБ, «Саломатлик маркази», шаҳар жомеъ масжиди ходим-

**Tadbir**

лари, маҳалла раислари, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар иштирок этди.

— Соғлом турмуш тарзига амал қилиш давр талабидир, —

деди шаҳар ИИБ тергов бўлими ходими У.Абдуҳақимов. — Ёшларимиз ўз ҳаётига хавф солувчи гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва терроризм иллатларидан йироқ бўлиши, бунинг учун эса уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш лозим.

**Жўрабек ЖАНГИРОВ, «Ma'rifat» мухбири**

### Долзарб масалаларга бағишланди

**Бухоро банк коллежида вилоят ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари иштирокида илмий анжуман бўлиб ўтди.**

Тадбирда иштирокчилар диққат-эътиборини маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, миллий ғоя ва мафкура тарғиботи, қизларни эрта турмушга беришни саҳий салбий оқбатлари, соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳусусида сўз боқди. Анжуманда Олий ва ўрта махсус таълими вазир-

лигининг 2012 йил 7 декабрдаги "Олий ва ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими муассасалари ҳамда фуқаролар ййғинларининг амалий ҳамкорлигини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи ижроси ҳақидаги масала ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Бу борадаги ишлар БухДТИ қошидаги 1-академик лицей Бухоро банк, тиббиёт, иқтисодиёт ва банк, педагогика, туризм коллежларида намунали йўлга қўйилгани таъкидлаб ўтилди.

**М. САЛОМОВА, коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари**

### Экологик барқарорлик

**Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамкорлигида «Замонавий демографик жараёнлар ва экологик барқарорлик» мавзусида семинар ташкил этилди.**

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат фаоллари, Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг олимлари ва экспертлари, профессор-

**Tadbir**

ўқитувчилар, атроф-муҳит муҳофазаси ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодав-

лат нотижорат ҳамда халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди.

Семинарда глобал ва минтақавий экологик муаммолар, соҳавий демографик жараёнлар билан боғлиқ ҳолда сув ресурсларини бошқариш масалалари муҳокама этилди.

**МУХБИРИМИЗ**

### Тарбия — масъулият

**Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан Халқ таълими туманидаги 127-умумтаълим мактабда «Ўқувчи-қизлар тарбиясида миллий урф-одатлар ва қадриятлар» мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

Умумтаълим мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари учун ташкил этилган семинарда Халқ таълими вазирилик, «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими кенгаши, туман прокуратураси ҳамда хотин-

қизлар қўмитаси вакиллари иштирок этди.

— Ёшлар, айниқса, қизлар таълим-тарбияси педагоглардан катта масъулият талаб этади, — дейди Яқасарой ТХТМФМТТЭБ маънавий-ахлоқий тарбия шўбаси раҳбари Маруфа Файзиёва. — Бугунги семинар маърузаларида ўқувчи-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни миллий урф-одат ва қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги тажрибалар ўртоқлашилди.

**Моҳичехра ЛАТИПОВА**

### Дарсда ота-оналар

**Учтепа туманидаги 297-мактабда «Очиқ эшиклар куни» бўлиб ўтди. Ота-оналар, методистлар ҳамда ёш мутахассислар илғор педагогларнинг дарсларини кузатишди.**

Тажрибали ўқитувчиларнинг қизиқarli интерфасо методларда ташкил этган машғулотлари, ўқувчиларнинг дарсларда фаол иштироки уларда катта таассурот қолдирди. Жумладан, инглиз тили фанидан Умида Иноғомованинг 9-«А» синфга «Transport» мавзусида «Checking the memory» (хотира машқи) методидан фойдаланиб ўтган дарсида фарзандларининг мавзуга оид маълумотларини инглиз тилида гапириб бе-

риши ота-оналарни тўлқинлантириб юборди.

— Бу каби тадбирлар таълим муассасаси — оила — маҳалла ҳамкорлигини ривожлантириш, ота-оналар эътиборини фарзанд тарбиясига қаратишга хизмат қилади, — дейди мактаб директори Зулҳумор Азимова. — Тадбир давомида ота-оналарга, педагогларга Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил тушуنча берилди.

— Ўғлим Шоҳрух 8-синфда ўқийди, — дейди тадбир катнашчиларидан бири Наргиза Аҳмаджонова. — Бугун унинг дарсдаги иштирокини кузатиб, қандай билим олаётгани, ўзгача қандай ўқитаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Қизим Севара эса келгуси йил мактабга қабул қилинади. Унинг 1-синфдан оқ инглиз тилини ўргангани ҳақида эшитиб, жуда манман бўлдим.

**Ғолиб БАХРОМОВ, «Ma'rifat» мухбири**

### Тажриба бераётган натижа

**Сергели туманидаги 277-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Манзура Юсупова 7-синф ўқувчилари иштирокида «Кўпхадларни кўпайтувчиларга ажратиш» мавзусида очик дарс ўтди.**

Ўқитувчи дарс давомида ўқувчиларни фанга қизиқтириш билан бирга, математиканинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги, унинг ҳар соҳада кераклигини жонли мисоллар орқали тушунтириб берди.

АКТ ва илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланилгани дарснинг қизиқarliлигини янада оширди.

Дарс таҳлилида ўқитувчи ва методистлар машғулотнинг мазмунига юқори баҳо бериб, ушбу педагог ўқувчиларининг фан олимпиадаси ва билимлар бешлашвида намунали иштирок этаётгани беғиз эмаслигини алоҳида таъкидлашди.

**А.ҲАЙДАРОВ** олган сурат.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ишчи кучи бўлган 53 туманда хомашёни чуқур қайта ишлайдиган ва тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга замонавий, вертикал интеграциялашган тўқимачилик комплекслари, шунингдек, тайёр тикувчилик-трикотаж ҳамда пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ихчам ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобидан 13 мингта юқори технологияни янги иш ўринлари яратилди.

Замонавий ишлаб чиқаришларни яхши тайёргарликка эга, малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида мамлакатимизда касб-хунар коллежларининг иш берувчи корхоналар билан кооперация асосидаги ҳамкорлигининг турли шакллари ривожлантирилмоқда. 2013 йилда бўш ва захира иш ўринлари ҳисобидан касб-хунар коллежларининг 500 мингдан ортиқ битирувчисини ишга жойлаштириш кўзда тутилган. Шу мақсадда коллежларга иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган 90 мингдан ортиқ корхона ва ташкилот бириктирилади. Касб-хунар коллежлари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳамда корхоналар ўртасида уч томонлама шартномалар тузиш амалиёти кенгайтирилади. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят маркази, йирик шаҳар ва туманларда иш берувчилар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркалари мунтазам ўтказилади.

Давлат дастурида иш билан банд бўлмаганларни касбга ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш кўзда тутилган. Мисол учун, жорий йилда Тошкентдаги Касб-хунарга ўқитиш марказида 600 нафар йигит-қиз машинасозлик, электроника, автомобильларга техника хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари каби соҳаларда меҳнат бозорига талаб юқори бўлган замонавий касбларни эгаллаши мумкин. Бу мақсадлар учун Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан 500 миллион сўм миқдорда маблағ йўналтирилади. 2013—2015 йилларда Самарқандда ҳам ана шундай 240 ўринли Касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсиши кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга боғлиқ. Бугун мамлакатимиздаги барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 87 фоизи нодавлат мулкчилик шаклига эга кичик ва хусусий бизнес корхоналаридир. Ялли ички маҳсулотнинг 83,6 фоиздан ортиги, ишлаб чиқарилаёт-

ган саноат маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроги, деярли барча қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда ўрта синфни шакллантиришда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан мазкур секторни ривожлантириш ҳисобидан мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, социал ва иқтисодий барқарорликдан манфаатдор, уни тараққиёт ва демократик туб ўзгаришлар сари фаол ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган ижтимоий қатлам шаклланимоқда.

"Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунга асосан иқтисодиётимизда ҳўжалик фаолиятининг оилавий корхоналар шак-

циясини мустаҳкамлаш, уларни Маҳаллийлаштириш дастурини бажаришга янада кенг жалб этиш, ҳудудий инвестиция дастурларини амалга ошириш, бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари негизда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, фойдаланилмаётган бино ва иншоотларни тадбиркорлик субъектларига беришга йўналтирилган.

Корпоратив харидлар тизими кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг муҳим шаклидир. 2013 йилда тизимга жалб этилган соҳа субъектлари сонини 1,3 баробар кўпайтириш режалаштирилмоқда. Хусусан, устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган 2086 йирик корхонада корпоратив харидлар механизмини жорий этиш ва харидлар

гектар майдонда тоқзорлар яратиш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш орқали 15 минг нафар қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига жалб этиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун 95,2 миллиард сўм йўналтирилади. Чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш учун эса 345,9 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Ҳар бир қишлоқ туманида 10 мингта парранда парвариланидиган кампада ўнта янги паррандачилик ҳўжалиги ва 500 асалари оила, ҳар бир ҳудудда кампада 30-40 балиқчилик ҳўжалиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарида ипак куртини боқиб учун кампада 10-15 ипакчилик миллионлексларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши йилига қўшим-

коммуникация технологияларидан давлат ва жамият куралиши тизимида кенг фойдаланиш ҳамда миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни жадал амалга ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси фаолият кўрсатмоқда. Ассоциация томонидан IT-компанияларга беғараз асосда уларнинг электрон бошқарув соҳасидаги товар ва хизматларини тақриф этиш имкониятларини янада кенгайтиради, мақсадли илмий тадқиқотларни амалга оширадиган Электрон бошқарув бўйича компетенция маркази ташкил этилди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида G2G (давлат органларининг ўзаро), G2B (давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари билан) ва G2C (давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар билан) ҳамкорлик йўналишлари бўйича "Электрон ҳукумат" тизимини жадал шакллантириш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш доирасида интернет тармоғида «бир дарча» режимида фаолият юритадиган Интерфаол давлат хизматлари ягона портални яратиш кўзда тутилган. Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхат ва ҳисобга олиш, лицензия ҳамда рухсатномаларни электрон шаклда расмийлаштириш бўйича интерфаол хизматлар жорий этилади. Шунингдек, 2013 йилда FTTx технологияси бўйича кенг полсали оптик тармоқларни ривожлантириш ҳисобидан аҳолининг интерфаол хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш ишлари давом эттирилади.

2013 йилда жойларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида кам таъминланган оилалар, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маслаҳат, ҳуқуқий ҳамда ташкилий ёрдам кўрсатиш лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурининг мазкур муҳим бўлимида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизни янада жадал ривожлантириш, Ўзбекистонда ҳар бир одам, ҳар бир оила фаровонлигини таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

## ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР

лидаги халқимиз менталитети ва аъёналарига тўлиқ мос келадиган янги ташкилий-ҳуқуқий шакли жорий этилди. Уларга кенг имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар берилди. Бунинг натижасида қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб ўтган ярим йил мобайнида мамлакатимизда 600 дан ортиқ шундай корхона ташкил этилди.

Давлат дастурида 2013 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун жами 269,6 миллиард сўм ҳажмида, яъни 2012 йилдаги нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, оилавий, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 110,1 миллиард сўмлик кредитлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликларига қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда қорамоллар сотиб олиш учун 106 миллиард сўм ажратилади. Коллеж ва лицейларнинг 15 минг нафардан ортиқ битирувчиси ўз бизнесини йўлга қўйиши учун жами 53,5 миллиард сўмлик кредитларга эга бўлади.

Ҳўжатда саноатни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу дастурлар ҳудудлардаги корхоналар ўртасида саноат коопера-

умумий ҳажмида кичик бизнес улушини 25 фоизга етказиш белгиланган.

Бундан ташқари, саноат ярмаркалари ва кооперация биржаларида имзоланган шартномаларга муюфик 850 кичик ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотларини сотиш кўзда тутилган бўлиб, бу кичик корхоналар маҳсулотларини шундай шартномаларга асосан сотиш ҳажмларини 2012 йилга нисбатан 36 фоизга кўпайтириш имконини беради.

Қишлоқ ҳўжалигида кичик бизнесни янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракати самардорлигини ошириш, боғдорчиликка илғор технологияларни жорий этиш қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадлари ўсишида муҳим ўрин тутди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида тижорат банклари томонидан қишлоқ ҳўжалиги соҳасига кредит ажратишни кенгайтириш ҳисобга олинган ҳолда, ҳудудларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни кўпайтириш, узумчилик, чорвачилик ҳамда ипакчиликни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини модернизация қилиш ва техника қайта жиҳозлашга доир чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Масалан, 6,7 минг гектар майдонда янги боғлар, 3,5 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 6,8 минг

ча 32 минг тонна парранда гўшти ва 330 миллион дона тухум, 970 тонна асал, 2,4 минг тонна балиқ етиштириш имконини беради.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини, жумладан, сут, гўшт, мева-сабзавот ва узумни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ҳамда модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 94,5 миллиард сўмдан ортиқ 288 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу борада ўтказиладиган саноат ярмаркаси, инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари, бошқа биржа ҳамда ярмарка савдоларида тадбиркорлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва қайта ишлайдиган замонавий минитехнологиялар ҳамда ихчам ускуналар етказиб бериш бўйича шартномалар тузиши мумкин. Навоий машинасозлик заводи, «Технолог» акциядорлик жамияти, «ПГС» хусусий корхонаси ва бошқа корхоналарда шундай технология ҳамда ускуналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида замонавий ахборот-

# AYOL — OBOD TURMUSH TAYANCHI

## 8-mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni

Mamlakatimizda xotin-qizlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish, jamiyatdagi faolligini oshirish borasida ibratli ishlar amalga oshirilayotir. Bugun opa-singillarimiz ijtimoiy hayotning barcha tarmoqlarida samarali mehnat qilishayapti. Har yili ko'plab ayollarimiz Vatanimizning yuksak mukofotlariga, faxriy unvon va ordenlarga sazovor bo'lishmoqda.

**Yurtboshimiz ta'kidlaganidek:** "Har qaysi oilada go'zallik va nafosat, mehr-muhabbat timsoli, xonadonlarimiz osoyishtaligining posboni bo'lmish, bir so'z bilan aytganda, oilani oilaga, jamiyatimizni jamiyatga aylantiradigan ayol zotiga qancha tasannolar aytisak, qancha ta'zim etsak — baribir barchamiz o'zimizni ular oldida doimo qarzdor deb his qilamiz".

Tantanalarga boy bahor faslini kattayu kichik intiqlik bilan kutadi. Ta'bir joiz bo'lsa, har yili ko'klamni 8 mart — Xalqaro xotin-qizlar bayrami boshlab beradi. Bu ayyom yurtimiz bo'ylab keng nishonlanib, shodiyonalar Yilboshi — Navro'z tantanalariga ulanib ketadi. Shu ma'noda umumta'lim muassasalarida tadbirlarni mazmunli tashkil etish yuzasidan quyidagilarni tavsiya etamiz:

— maktabgacha ta'lim muassasalarida va umumta'lim maktablarining boshlang'ich sinflarida "Onalarni qutlaymiz", "Onamga mendan tuhfa" kabi mavzularda tadbir o'tkazib, onalarga farzandlari tomonidan tayyorlangan sovg'alarini taqdim etish;

— Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari faoliyatini keng targ'ib etish maqsadida o'quvchilar o'rtasida uchrashuvlar tashkil qilish;

— "Oilada va jamiyatda ayolning o'rnini", "Ayol — obod turmush tayanchi" mavzularida ibratli oilalar, faol olim va shoiralar, o'z kasbining fidoyisi bo'lgan ayollar bilan davra suhbatlari uyushtirish;

— barcha umumta'lim muassasalari xotin-qizlari o'rtasida ommaviy sport tadbirlari, xususan, "Sport malikasi" musobaqasini o'tkazish va g'oliblarni taqdirlash;

— "Bayram tuhfasini" mavzusida rasm, albom, devoriy gazeta va boshqa ijodiy ishlar ko'rgazmasini tashkil etish;

— umumta'lim maktablarida "Sen baribir muqaddasam, muqaddas ayol", "Jannat — onalar oyog'i ostidadir", "Ustozim — onam" mavzularida insholar hamda "Rasmlarda — ona timsoli" mavzusida ko'rik-tanlovlarni o'tkazish;

— "Ayollarni ulug'lash — Vatanni ulug'lash" shiori ostida ta'lim sohasida ishlab, yosh avlod ta'lim-tarbiyasiga katta hissa qo'shib, nafaqaga chiqqan ustoz-murabbiylar, faxriylar holidan xabar olish, ijtimoiy himoyaga muhtoj, kekka va nogiron ayollarga moddiy-ma'naviy yordam ko'rsatish;

— pedagogik mahorati va ilg'or tajribalari bilan boshqalarga o'rnak bo'lib kelayotgan pedagog xotin-qizlarni bayram bilan tabriklash, faoliyatlarini OAVda yoritish;

— bayram kunlari xavfsizlik va osoyishtalikni ta'minlash maqsadida ichki ishlar va yong'in xavfsizligi xodimlari bilan tegishli chora-tadbirlarni amalga oshirish.

Quyida umumta'lim muassasalarida 8 mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni bayramini o'tkazish uchun ma'naviy-ma'rifiy tadbir senariysi e'tiboringizga havola etiladi:

Maktab faollari zali bahor tarovatini aks ettiruvchi gullar, rasmlar, o'quvchilar tayyorlagan har xil ijodiy ishlar bilan bezatiladi. Tadbirni maktab direktori mamlakatimizda xotin-qizlarga ko'rsatilayotgan e'tibor haqidagi gaplar bilan boshlab beradi. Shundan so'ng yoqimli kuy sadolari ostida sahnaga ikki boshlovchi chiqib keladi.



Tavsiya

**1-boshlovchi:**

Salom, mening aziz dugonalarim, Azizim, lo'barim, chevarim qizlar! Ey, toza qalbinimga oshnolari, Kuylarim ilhomni, sevarim qizlar!

**2-boshlovchi:**

Qahramon yigitlar kechirim meni, Bu kun ham qo'shig'im sizlarga doir.

Sizni, hur va ozod sizni kuylamoq Menga saodatdir, men baxtli shoir! (Zulfiya)

**1-boshlovchi:** — Assalomu alaykum, hurmatli va mo'tabar onajonlar, jonkuyar, fidoyi ustozlar!

**2-boshlovchi:** — Assalomu alaykum, aziz dugonajonlar, go'zal opa-singillar hamda davramizning aziz mehmonlari!

**1-boshlovchi:** — Barchangizni 8 mart — Xalqaro xotin-qizlar bayrami bilan chin yurakdan, samimiy muborakbod etamiz!

**2-boshlovchi:** — Yurtboshimizning "Inson manfaatini, huquq va erkinliklarini ta'minlash, hayotimizning yanada erkin va obod bo'lishiga erishish — bizning bosh maqsadimizdir" mavzusidagi ma'ruzasida ta'kidlanganidek, 2012-yili dolzarb vazifalardan biri — aholi bandligini ta'minlash masalasiga ustuvor ahamiyat qaratilgani, bu borada kichik korxonalar va mikrofirmalar tashkil etish hisobidan

xotin-qizlar uchun 204 mingdan ziyod yangi ish o'rnini yaratilgani diqqatga sazovordir.

**1-boshlovchi:** — Oilaviy tadbirkorlik va xususiy biznesni yanada rivojlantirish borasidagi qonunlarimiz asosida o'tgan davr mobaynida ajratilgan kreditlarning umumiy

so'zlari zahirida muhtarama ayollarimizga cheksiz hurmat ifodasini ko'ramiz.

**2-boshlovchi:** — Ikkinchi shartda qizlarimiz "Ayol — obod turmush tayanchi" mavzusida kichik sahna ko'rinishi namoyish qilishadi (5 daqiqa).

(Qizlar chiqishlarini navbat bilan namoyish etishadi.)

**1-boshlovchi:**

Farzandlar ulg'aytgan mard onalorsiz,

Hayot maydonida mardonalorsiz... Mehriyozdan unqay hayot ko'klamni, Ko'ngil g'aznasida durdonalorsiz. (Jumaniyoz Jabborov)

**2-boshlovchi:** — Oila muqaddas qo'rg'onga qiyoslanadi. Oilaning muqaddasligini ta'minlovchi asosiy omil onadir. Shuningdek, ayolning oqilaligi, mehru muruvvati, sadoqati oilani mustahkamlaydi. Endi uchinchi shart — "Erkin mavzu"ga navbatni beramiz. Qizlar o'zlarini qiziqitgan yo'nalishda mahoratlarini namoyon qiladilar (5 daqiqa).

(Qizlar chiqishlarini navbat bilan namoyish etishadi.)

miqdori 905 milliard so'mni, jumladan, xotin-qizlarni tadbirkorlik sohasiga jalb etishga yo'naltirilgan kreditlar hajmi 450 milliard so'mga yetganini mamnuhiyat bilan ta'kidlashimiz mumkin.

**2-boshlovchi:** — Bugun Xalqaro xotin-qizlar kuni munosabati bilan maktabimizning yuqori sinf o'quvchi qizlari turli shartlar bo'yicha bellashadi. Birinchi shart — ijodiy tanishtiruv, bayram tabrigi (3 daqiqa).

(Qizlar chiqishlarini navbat bilan namoyish etishadi.)

**1-boshlovchi:** — Prezidentimiz tashabbusi bilan 2013-yilga "Obod turmush yili" deb nom berilishida teran ma'no bor, albatta.

**2-boshlovchi:** — Bu mamlakatimizda mo'tabar onalarimiz, oqila va munis opa-singillarimizga cheksiz hurmat-e'tibor ko'rsatilayotgani ifodasidir.

**1-boshlovchi:** — Yurtboshimizning "Ongli yashaydigan har bir odam yaxshi anglaydiki, bu yorug' olamda hayot bor ekan, oila bor. Oila bor ekan, hayot abadiyligi, bebaho ne'mat bo'lmish farzand bor. Farzand bor ekan, odamzod hamisha kelajagini o'ylab, ezgu orzu va intilishlar bilan yashaydi", degan

**1-boshlovchi:** — Zamonaviy ayol salohiyati, iqtidor, iste'dodi va o'z-gacha shiddati bilan dunyoni qoyil qoldirmoqda. Bugun opa-singillarimizning shijoati yanada balandlagan, kuch-g'ayrati yanada jo'sh urayotgandek. Negaki, istiqbol o'zbek ayoliga cheksiz rag'bat, katta ishonch, ulkan imkoniyat berdi.

**2-boshlovchi:** — Endi dugonalarimiz "Orasta qiz — barchaga o'rnak" sharti bo'yicha bellashadi. Ular maktabda va jamoat joylarida qizlarning qanday kiyinishi lozimligini namoyish etadilar.

Hay'at a'zolari barcha shartlar bo'yicha qizlarning mahoratini baholab boradi. Bayram tadbirida maktab badiiy havaskorlik jamoalarining musiqali chiqishlari namoyish etiladi. Tadbir yakunida 1-, 2-, 3-o'rinlar e'lon qilinadi. Qizlar "Faol ishtirokchi", "Xushovoz xonanda", "Eng mohir ijrochi", "Eng orasta qiz" nominatsiyalari bo'yicha ham taqdirlanadi.

**1-boshlovchi:** — "Obod turmush yili"da yurtimiz tinch, osmonimiz musafu...

**2-boshlovchi:** — ...oilalarimiz obod va mustahkam bo'lsin!

Respublika ta'lim markazi

## ОРАСТА ҚИЗ — ЁРУҒДИР ЮЗ

Қадим-қадимдан ораста, саранжом-сарихта қизларга нисбатан «фаришта» таърифи ишлатилади. Бундай қизлар эл-улуснинг ор-номуси ҳисобланади. Бежиз айтмайдилар: «Агар мамлакатдаги эркаларнинг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, аёлларининг юриш-туришига боқ», дея.

Мақтабда ишлаганим боис ўқувчи қизларимизнинг ўзини туришига алоҳида аҳамият бериб, зимдан кузатиб юраман. Шукрки, уларнинг кўпчилиги эслиҳушли, одоб-ахлоқли. Айримларининг юриш-туришига қараб оиладаги тарбиясига баҳо бераман киши. Мақтабда устоз, оилада эса она қиз бола билан дўст бўлса, ўйлаимизки, сарихта қизларимизнинг сафи янада кенгайди. Мақтабларимизда «Ораста қизлар» тўғраги айна шу мақсадда ташкил этилмоқда.

### Mulohaza

Орасталикка бугундан ўрганган қизнинг эртанги оиласида ҳам бу аънава бардавом бўлиши шубҳасиз. Энд асосийси, бундай оила кўргони мустаҳкам бўлади.

Аслида халқимиз ҳар бир қизга бўлғуси она деб қарашга одатланган. Демак, мактаб парталаридаёқ уларнинг маънавиятини бойитиб, дунёқарашини кенгайтириб борсак, келажак авлодларимиз ҳар томонлама баркамол оналар кўлида униб-ўсади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, оилаларимиз мустаҳкамлиги ҳам, юртимиз ободлиги ҳам аввал тadbирли, кенг феълли, мулоҳазали ва андишали аёлларимизга боғлиқ.

Жамила БАРОТОВА,  
Термиз шаҳридаги 9-мактаб ўқитувчиси

# ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА ЯНГИ ТАЛАБЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Магистратурани битирганлар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига киришлари ва докторлик диссертациясини тайёрлаб, ўрнатилган тартибда ҳимоя қилиб фан доктори илмий даражасини олишлари мумкин. Шунингдек, магистратурани битирганлар катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мустақил изланувчиликда докторлик диссертациясини устида ишлаб, ўрнатилган тартибда ҳимоя қилиб, фан доктори илмий даражасига эга бўлишлари мумкин.

Талабгор биринчи ҳолда икки йилдан кам бўлмаган илмий-педагогик стажга, иккинчи ҳолда эса, беш йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлиши шарт.

Бакалавриятни битирганлар фақат мустақил изланувчи бўлиб докторлик диссертациясини устида ишлаб, ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини олиш ҳуқуқига эга. Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига катта илмий ходим-изланувчи бўлиб ёхуд мустақил изланувчанлик орқали докторлик диссертациясини тайёрлаб, ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини олиш учун талабгорларга қўйилган талаблар бир хил белгиланган.

— Президент стипендияти бўлган иқтидорли магистрантлардан кўплаб саволлар келиб тушмоқда. Улар олий таълимдан кейин катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қабул қилинишда имтиёзларга эгами?

— «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом»нинг 17-бандига мувофиқ, бир неча талабгорларнинг кириш имтиҳонлари натижалари бўйича улар томонидан тўплаган якуний баллари тенг бўлган тақдирда қуйидаги талабгорларга:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари соҳибларига;

— тегишли мутахассислик бўйича аъло баҳоли дипломга эга бўлганларга;

— мутахассислик бўйича имтиҳон натижаларига кўра кўп балл тўплаганларга;

— иқтироғога ёки селекция ютуғига (шу жумладан, ҳаммуаллиflikда) патентга эга бўлганларга устулик берилди.

Низомда бошқа имтиёзлар кўзда тутилмаган.

— **Диссертацияларга қўйилаётган янги талаблар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Фан доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация муаллифи ўтказган тадқиқотлар ва у яратган ишланмалар асосида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик долзарб илмий ёки амалий муаммо ҳал қилинган ёки тегишли фан соҳасининг истиқболли йўналишини ривожлантиришда маълум бир ютуқ деб баҳолаш мумкин бўлган янги назарий қоидалар мажмуи ишлаб чиқилган ёхуд жорий этилишига, техникани ривожлантиришга ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳани ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишга ҳисса қўшадиغان илмий асосланган ечимлар ўз ифода-сини топган юқори малакавий илмий асар бўлиши керак.

Диссертация шахсан тайёрланган бўлиши, муаллиф ошқора ҳимоя учун илмий жамоатчилик муҳофазасига тақдим этаётган янги илмий ҳолатлар ва амалий натижаларнинг маъмуий ўз ичига олиши, моҳият жиҳатидан ички бирликка эга, мазмунан ахлқил, тугалланган бўлиши ва муаллифнинг шахсан фанга қўшган ҳиссасини ақс эттириши лозим.

Назарий аҳамиятга молик диссертацияда олинган илмий хулосалардан фанда фойдаланилганлиги, амалий аҳамиятга молик диссертацияда эса иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг долзарб муаммолари ечимини ва илмий натижалардан амалиётда фойдаланилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилиши шарт.

## Dolzarb mavzu

Диссертация иши натижаларининг фанга, амалиётга таъбиқ этилганлиги ёки иқтисодиёт тармоқларининг тегишли корхоналари, вазирликлар, идоралар ёки бошқа тегишли ташкилотлар томонидан жорий қилиш учун қабул қилинганлиги юзасидан асосли ҳужжатлар кенгашда муҳофиза этилиб, аттестация ишига илова қилинади. Ушбу ҳужжатлар вазирлик, идора, ташкилот, муассаса ёки корхона илмий-техникавий кенгашлари томонидан қўриб чиқилган, маълумланган ва унинг раҳбарияти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

— **Стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтининг 2-босқичини тамомлаганлар аттестация асосида катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ўтказилган-дан сўнг бир йилда доктор-**

**лик диссертациясини ҳимоя қила олмаса, кейин мустақил тадқиқотчи бўла оладими?**

— Стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтининг 2-босқичини тамомлаганлар аттестация натижасига кўра катта илмий ходимлар-изланувчилар институтининг 3-босқичига ўтказилгандан сўнг бир йил давомида докторлик диссертациясини ҳимоя қила олмаса, уларнинг мустақил изланувчи бўлиши шарт эмас. Улар диссертация ишини якунига етказганларидан кейин ўрнатилган тартибда, яъни малакавий имтиҳонларни топшириб докторлик диссертациясини ҳимоя қиладилар.

— **Стажёр-тадқиқотчи-изланувчи мақомида ўқишни тамомлаганлар янги талаблар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ўқишга қабул қилиниши мумкинми?**

— Стажёр-тадқиқотчи-изланувчи мақомида ўқишни тамомлаганлар номзодлик диссертациялари мавзуларини докторлик диссертациясига қўйилган талаблардан келиб чиқиб докторлик диссертациялари мавзуларига айлантиришлари, олий ўқув юрти ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий-техникавий кенгашда тасдиқдан ўтказиб, юқори ташкилот (вазирлик, идора) билан келишилган ҳолда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда ОАКга докторлик диссертациялари мавзулари базасига кириштириш ва расмийлаштириш учун тақдим этишлари лозим.

ОАКда докторлик диссертациялари мавзулари расмийлаштирилган талабгорлар Ни-

зомда белгиланган янги тартибда малакавий имтиҳонларни топширганларидан сўнг докторлик диссертацияларини ҳимоя қиладилар ва уларга фан доктори илмий даражаси берилди.

— **Янги талаблар чиққунга қадар номзодлик диссертациясини илмий семинар муҳофазасидан ўтказган ва ҳимояга тавсия этилган диссертант мавзусини «ОАК бюллетени»да қайта эълон қилиши шартми?**

— Бакалавр ёки магистр дипломига эга бўлган талабгорлар илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовларидан ўтишлари, олий ўқув юртидан кейинги таълим институтлари асосида докторлик диссертациясини мавзусини «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги Низом»да белгиланган тартибда тасдиқлатиши ва докторлик диссертациясини мавзусини Ўзбекистон Республикаси ОАКда рўйхатдан ўтказиши ва эълон қилиши лозим.

Фан доктори илмий даражасига талабгор тегишли малакавий имтиҳонларни докторлик диссертациясини мавзуси тасдиқланиб, илмий излашлар давомида топшириши мумкин.

— **Маъруза тасдиқланмасдан туриб ҳам докторлик диссертациясини учун имтиҳонларни топширишга рухсат этиладими?**

— Фан доктори илмий даражасига талабгор тегишли малакавий имтиҳонларни докторлик диссертациясини мавзуси тасдиқланиб, илмий излашлар давомида топшириши мумкин.

**Б.ФАЗЛИДИНОВ**  
сўхбатлашди.

*Мамлакатимиз ва халқро жамоатчилиқни юртимизда олиб борилаётган барча соҳалардаги ислоҳотлар билан таништириб борадиган Ўзбекистондаги биринчи ва ягона инглиз ва рус тилида чиқадиган «Uzbekistan Today» ҳафтаномаси медиабозорда олти йил илгари пайдо бўлган эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ахборот агентлиги бу йиллар мобайлида ўз ўрнини мустақамлади, таъсир доираси ва аудиториясини кенгайтирди. Бугун «Uzbekistan Today» дунёнинг 40дан ортиқ давлатига тарқалган. Наشرни АКШ, Англия, Франция, Германия, Япония, Россия ва бошқа кўплаб давлатларнинг дипломатик доиралари ўқшади.*

Албатта, бу каби ютуқларни қўлга киритиш «Uzbekistan Today» ахборот агентлиги учун осон кечгани йўқ. Бунинг учун профессионал журналистлар корпуси олдига наشرни мунтазам такомиллаштириб боришдек юксак мақсадлар қўйилди ҳамда ахборот агентлиги бугун ҳам ОАВ бозорида ўз муносиб ўринини эгаллаб турибди.

Наشر ташкил этилган илк кунларда ноқ аниқ ўйланган стратегия ва фаолият йўналишига эга эди. Асосий этибор профессионал журналистларнинг сифатли, қизиқарли ва долзарб материаллари билан ном қозонган маҳоратли ижодкорларни жалб этишга қаратилди.

«Uzbekistan Today»нинг инглиз тилидаги наشرини хорижда малака оширган профессионал журналистлар тайёрлашди. Улар мақолалар тилининг кенг ўқувчилар оммаси учун қулай ва тушунарли бўлишига ҳаракат қилишмоқда. Бугунги кунда агентлик «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажақ овози» ЕТМ ва яна кўплаб етакчи жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Давлат идоралари билан ҳам, жумладан, таълим соҳасида — Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, шунингдек, Олий таълим вазирлиги билан ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилган.

Шу муносабат билан наشر умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежалари ўқувчилари,

шақллантириш ҳамда республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувини кучайтиришга йўналтирилган чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими янада такомиллаштирилмоқда. Қарорга мувофиқ, 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб чет тили умумтаълим мактабларининг биринчи синфдан ўқитила бошлайди. Олий таълим муассасаларида айрим ихтисослик фанла-

## «ГАЗЕТА ЎҚИБ, ИНГЛИЗЧАНИ ЎРГАНАМИЗ»



олий ўқув юртлари талабалари учун амалий материал сифатида, чет тили ўқитувчиларига аjoyиб қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан сўнг бу янада долзарб аҳамият касб этади. Бугун мамлакатимизда уйғун камол топган, замонавий фикрловчи ёш авлодни

ри, айникса, техник ва халқро мутахассисликлар бўйича таълим ҳам чет тилларда олиб борилади. Нашр ўқувчи ҳизмати қўлида тил ўрганиш учун аjoyиб амалий базага айланади. Турли-туман мавзуларда ва турли услубларда ёзилган долзарб, оммавий материалларни таржима қилиш инглиз тилини ўрганишнинг хоҳловчиларининг билимлар даражасини оширишига ёрдам беради. Агентлик журналистлари мақолаларини янги,

замонавий фразеологизмлар билан бойитиб боришадиги, бу наشرнинг инглизча версиясининг хорижда оммавийлашувини таъминлапти.

Инглизча версия чиқарила бошлангандан кўп ўтмай, бутунжаҳон интернет тармоғида «Uzbekistan Today» сайти [www.ut.uz](http://www.ut.uz) пайдо бўлди. Хуллас, ташкилотчилар наشرнинг электрон версиясига катта умид боғладилар. Зеро, сайт фаолияти йўлга қўйилгани нафақат наشر аудиториясини, балки тарқалиш ҳудудини ҳам бир неча марта кенгайтирди. Веб-сайтга таширф буюрувчилар мониторинги ўқувчилар сони барқарор равишда ошиб бораётганини намоийш қилди. Мана, икки йилдан зиёдроқ вақт давомида «Uzbekistan Today» АА ҳар чоракда шу номдаги инглизча-русча журнал ҳам чиқариб келмоқда.

Материалларни беришдаги тезкорлик, уларнинг долзарбчилигини ва сифатини таъминлаш ҳар бир вақтли наشرнинг муваффақиятини таъминлайди. Газета ўқувчиларининг ҳам, унинг саҳифаларида чиқиб қилаётганларнинг ҳам бирдам фикрига кўра, наشر ахборот маконида ўз ўрнини мустақамлаб бормоқда. Олий Махлус қўмиталари аъзолари ва экспертлар, мамлакатимиздаги элчилар ва дипломатик хизматлар вакиллари, давлат ва жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари, машҳур маданият ва жамоат арбоблари, олимлар ва тадқиқотчилар, фан ва таълим ходимлари газета саҳифаларида ўз фикр-мулоҳазалари билан чиқиб қилишмоқда. «Uzbekistan Today» ўз саҳифаларида иқтисодиёт, сиёсат, халқаро муносабатлар, маданият, спорт каби кўплаб соҳаларга оид ахборотлар, таҳлилий материалларни кенг ёритиш орқали мустақил мамлакатимиз ҳаётининг акс эттирувчи кўзгу вазифини ўтамоқда.

**Екатерина СОБОЛЕВА**







# НАНОТАШХИС

«Oltin qalam»  
tanloviga

(Давоми. Боши газетанинг аввалги сонларида.)

Эртага оламшумул аҳамият касб этган кашфиётлардан бири — ДНК молекуласи структураси модели яратилганига 60 йил тўлади. 1953 йил 28 февраль куни Френсис Крик (Бирж/Буюк Британия) университетининг Кавендиш лабораториясига кириб, "Биз ҳозиргина ҳаётнинг сирини топдик!" деган гапи тарихда ўз ўрнини эгаллади. Бу кашфиётнинг муаллифлари Жейм Уотсон(Watson), Френсис Крик ва Морис Уилкинс(Wilkins) 1962 йили Нобель мукофотига сазовор бўдилар. Бу мукофот ДНК молекуласининг структураси моделини яратиш билан боғлиқ эди. Буиз фақат замонавий фаннигина эмас, замонавий ҳаётимизни ҳам кўз олдингизга келтириш қийин. Қайси мутахассислик соҳиби бўлишимиздан қатъи назар, бу ҳақда маълум тасаввурга эга бўлишимиз керак. Аввало, кашфиётнинг тарихига тўхталик. ХХ асрнинг 50-йилларида ДНК молекуласининг структураси ҳамда ахборотнинг наслдан наслга, ҳужайрадан ҳужайрага ва организмдан организмга қандай қилиб ўтиши номаълум эди. Шу йиллари Кавендиш лабораториясини Лоренс Брэгг бошқарди. У отаси Генри Брэгг билан ҳамкорликда рентген нувларининг кристалдаги дифракциясини кузатиб, кристалнинг таркибдаги атомлар бир-бирига параллел текисликларда даврий равишда жойлашганини аниқлади. Ота-ўғил Брэггларга бу учун Нобель мукофоти берилди.

Ҳозирги кунга қадар рентген структуравий анализ нанометр ва атом даражасида объекларнинг тузилиши ҳақида ахборот олишнинг муҳим усулларидан бири ҳисобланади. Кавендиш лабораториясида Лоренс Брэгг бошчилигида рентген нувлари дифракциясидан фойдаланилиб ДНК, глобуляр протеин(шарсимон оқсил)лар, жумладан, гемоглобиннинг структураси ўрганиларди. Британия қироллиги коллежида эса Морис Уилкинс ва Розалинд Франклин ДНК молекуласини кристаллаштириб, унинг рентгенограммасини ўрганиларди. Биринчи бўлиб Розалинд Франклин ДНК кристалл структурасининг рентген дифракцион картинасини олишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, олимпиада рентген нувлари ёрдамида ДНКни кўриш имкониятига эга бўдилар. Жейм Уотсон ва Френсис Крик Р.Франклин олган рентгенограммадан фойдаланиб ДНКнинг молекуляр структураси ва унинг тирик материяда ахборотни узатишдаги ўрнини кўрсатувчи моделини яратдилар. Бу моделга кўра, ДНК молекулалари кўш спираль ҳосил қилувчи ва бир умумий ўққа эга иккита полинуклеотид занжирларидан(қалинлиги 2 нм атрофида) ташкил топган. Уларнинг ўрамлири 10та нуклеотиддан ташкил топган

бўлиб, даврий равишда ҳар 3,4 нм.да қайтарилади. Таркибдаги азот асослари аденин(А), гуанин(Г), цитозин(С) ва тимин(Т) номлари берилган нуклеотидлар спиралнинг ички томонида жойлашган. Аденин билан тимин, гуанин билан цитозин водород боғланишлари орқали бир-бири билан туташди. Бу боғланишлар занжирларнинг комплементар(-бир-бирини тўлдирувчи)лигини ҳамда иккинчи занжирдаги нуклеотидларнинг кетма-кетлигини таъминлайди. ДНК молекуласининг комплементарлиги уларнинг репликацияси(кўпайиши), РНК молекулалари синтез қилиниши ва ахборотни узатишда муҳим рол ўйнайди. Нуклеотидлардаги кетма-кетлик оқсилдаги аминокислоталарнинг жойлашиш тартибини ёки унинг структурасини белгилайди. Нуклеотидларнинг бундай маълум тартибда кетма-кет жойлашиши ДНКнинг **коди** билан боғлиқ. Шундай қилиб, ДНКнинг коди ҳар қайси аминокислотага мос келувчи нуклеотидларнинг комбинациясидан иборат. Бир аминокислотани кодлаш учун тўрттадан ўнча нуклеотиднинг комбинацияси етарли бўлади. Бунда комбинациялар сони  $4^n = 64$ га тенг. Ҳар нуклеотиддан иборат комбинация **триплет** ёки **кодон** деб юритилади. Ҳар қайси триплет бир оқсилнинг структураси ва функциясига жавоб беради. ДНК молекуласи занжирдаги нуклеотидларнинг ҳеч бўлмаганда бирортасининг жойи алмашса ёки четлаштирилса, синтез қилинаётган оқсилнинг структураси бузилади. Бу эса генетик касалликларга олиб келади. Оқсил синтез қилинаётганда унинг структураси ҳақидаги маълумот ДНКдан оқсилларни ишлаб чиқарувчи "фабрика"—рибосома молекуласига РНК орқали етказилади.

Нанообъектлар билан манипуляция қилишдан олдин нанодүنيا кўз билан кўриш истаги туғилди. "Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши", деганларидек, тиббиётда беғумор тез ва тўғри ташхис қўйиш учун касалликни кўзгатувчи микроорганизмларни кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё тиббиёт ходимлари орасида "Ignoti nulla curatio morbi" (лотинча — "Аниқланмаган касалликнинг давоси йўқ") деган ибора мавжуд. Шунинг учун ҳам касални тўла даволаш учун биринчи навбатда аниқ ташхисга эга бўлиш зарур. Кейинги йилларда касалликни аниқлаш мақсадида одам органларини ва ундаги ўзгаришларни кўз билан кўришда (визуаллаштиришда) замонавий рентген, магнит резонанс, ультравуш ва компьютер томографияси каби усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Аммо

бу усуллар қимматбаҳо ва катта габаритта эга бўлишдан ташқари, фазовий кенглик(-1 мм) ва вақт (-1с) бўйича ажратиш қобилияти(разрешение) жуда паст. Сканловчи зонд электрон микроскопларнинг ажратиш қобилияти жуда юқори бўлиб, алоҳида молекулаларни кўришга имкон беради, уларнинг жуда катта габаритлари, қимматлиги ва биологик объектлар билан ишлашнинг қийинлиги оммавий тарзда ташхис қилишда қўлша имконини бермайди. Албатта, касалликни ҳар бир исталган клиникада, касалхонада, бемор тўшагида арзон нарҳда ва тезда аниқлашни таъминлаш ҳамда касалликнинг табиати ҳақида чуқур ва тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга имкон берувчи, тезда ташхис қилувчи асбоб-қуримларнинг ўлчамларини миниатюр

## НАНО



лаштириш(кичрайтириш) зарур. Бу йўналишда нанотехнологиялардан фойдаланиш катта ютуқларга олиб келишига шубҳа йўқ. Яқин келажақда ўлчов ускуналари ўлчамлари кичрайиши билан молекулаларнинг концентрациясинигина эмас, балки уларнинг сонини ҳам аниқлаш имконияти туғилади. Концентрацияни ўлчганимизда бир вақтинг ўзида юзлаб триллион молекулалар билан иш қўрамиз. Касалликка ўз вақтида ташхис қўйиш учун патологик жараён билан боғлиқ илк пайдо бўлган молекулаларнинг сонини ва хусусиятларини тезда аниқлаш зарур. Касаллик бошланганда бундай молекулаларнинг сони кўп бўлмайди. Камдан-кам молекулаларни қайд қилиш имконияти туғилганда, касалликнинг илк босқичида аниқ ташхис қўйиш ва ўз вақтида даволаш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам касалликни тезда аниқлаш учун алоҳида молекулаларни қайд қилиш усуллари такомиллантирилмоқда. Бу эса келажақда ҳужайра ва субҳужайра даражасида ташхис қўйишнинг принципал имконини яратди.

Биринчи навбатда, кенг тарқалган замонавий ДНК-ташхис усулларига тўхталайлик. Бу усуллар ДНК молекулалари кўш занжирларнинг комплементарлигига асосланган. Булардан энг муҳими полимераз занжир реакцияси(PCR — polymerase chain reaction) усули ДНКни таҳлил қилишда энг

кўп тарқалгандир. Бу усул ДНК молекуласининг комплементарлигидан фойдаланиб, унинг зарур фрагментини пробирка (*in vitro*)да кўпайтиришга асосланган. Бу ёрда полимераз деб юритилувчи фермент катализатор сифатида ишлатилади. Полимераз табиат(*in vivo*)да бир занжирли РНКни ДНКдан нусха сифатида олишда асосий ролни ўйнайди. PCR усули ёрдамида вирус касалликларини тез ва аниқ ташхис қилинади. Бунинг учун бемордан анализ учун олинган ДНК массада касалликни кўзгатувчи вирус генларининг сонини жуда кўп марта оширишга тўғри келади. PCR ёрдамида бир неча соат давомида бир дон вирус генидан 50 миллиарддан кўпроқ нусха олиш мумкин. Бу эса касалликни осонгина аниқлашга имкон беради. Замонавий нанотехнологиялар яқин келажақда анализ қилинадиган геннинг нусхаларини кўпайтирмасдан бир вақтинг ўзида миллионлаб генларни текшириш имконини беради. Бу мақсадда бир қатор ташхис қилувчи катакмайдонларни яратиш лозим. Бундай катакмайдонларнинг зичлиги  $1 \text{ см}^2$  да 1 миллион нуқтадан иборат бўлади. Ҳар қайси нуқта анализ учун олинган намунадан иборат. Бундай биочипга исталган тирик системанинг тўлиқ ге

номини жойлаштириш мумкин бўлади. Ҳозирги кундаги замонавий ДНК-майдонларнинг бир чипида 10 минггача ген жойлаша олади. Микро ва наноэлектроника ёрдамида яратилган бундай биочипнинг биттаси катта бир лаборатория ўрнини боса олади. Чилдаги лаборатория (ингл. Lab-on-a-chip, LOC) ёки тўлиқ анализ системаси — майдон би неча  $\text{мм}^2$ -дан би неча  $\text{см}^2$  гача бўлган интеграл схемали пластинкада бир ёки бир неча кўп босқичли биологик ва кимёвий жараёнларни амалга оширишга имкон берувчи минютил курилмадир. LOC анализларни юқори тезликда ўтказиши, натижа олиш учун зарур бўлган намуна ва реагент(кимёвий реакцияга кирувчи модда)ларни кўп талаб қилмаслиги, анализлар қайтарилганда натижаларнинг ўзгармаслиги ва ишлатишнинг осонлиги билан ажралиб туради. Келажақда онкологик ва инфекцияон касалликларни махсус лабораторияларда қимматбаҳо қурилмаларда эмас, балки бемор тўшаги олдидан ташхис қилиш, дала шартларида атроф-муҳитнинг инфлосланиш даражасини ўлчаш учун эспрессо-анализ ўтказиш мумкин бўлади.

Яқинда Колумбия мухандислари ўлчами кредит картасига тенг бўлган янги "МЧип"ни ихтиро қилишди. Лаборатория ўрнини тўла босувчи бундай мобил микрогидродинамик

чипга анализ учун фақат бармоқдан олинган бир томчи қон етарли. Бу қурилма зарур операцияларни тезда амалга ошириб, 15 даққача давомида анализ натижасини беришга қодир. Мультиформ глиобластома(миёда пайдо бўлган онкологик шиш) жуда кўп учрайдиган касаллик бўлишига қарамай, Европа ва Шимолий Америка аҳолисининг ҳар 100 000 кишиидан атиги 2-3 нафаридан ўз вақтида ташхис қилинган, ҳоло. Бу эса ҳозирги кунда мазкур касалликни ўз вақтида аниқлаш масаласи катта муаммо эканидан дарак беради.

Бостон(АҚШ)даги касалхонанинг бир гуруҳ мутахассислари Ральф Уайсдер раҳбарлигида биринчи бўлиб чипдаги лаборатория ёрдамида беморнинг қон намуналаридан миёдаги агрессив шиш(саратон)даги ўзига хос глиобластома ҳужайраларини аниқлашга муваффақ бўдилар. Амалга оширилган илмий ишлар натижалари «Nature Medicine» журналичада чоп этилган. Массачусет технология институтининг (АҚШ) илмий ходимлари нанокуримла ва ДНК асосидаги биочипларни оммавий равишда ишлаб чиқаришни бошлашга имкон берувчи нанобосма ("nanoprinting") технологиясини яратдилар. Бу технология асосида яқин келажақда ҳар хил касалликларни экспресс-ташхис қилишга мўлжалланган ДНК-матрицалар ишлаб чиқарилади. Бундай ДНК-биочиплар ёрдамида беморларда Альцгеймер ёки ОИТС касалликларини бир неча минутда аниқлаш мумкин. Ҳозирги кунда бундай ДНК-матрица қурилмалардан бири одам ДНКсини анализ қилишда қўлланилмоқда. АҚШнинг Жоржия технологик институтини ва Калифорния университети олимлари олтин нанокапсуласи ёрдамида онкологик касалликларни ташхис қилишнинг янги — оддий усулини ишлаб чиқдилар. Бу ташхис принципи саратон ҳужайралари сиртида пайдо бўлган ўзига хос ёттана(антитело)лар олтин нанокапсулаларини боғлаб олишга асосланган. Бунда нанозаррлар соғлом ҳужайраларга таъсир кўрсатмайди. Нанозарраларнинг ўлчамлари 35 нм бўлганда энг яхши натижаларга эришилди. Шундай қилиб, бир неча ҳужайра аниқлигида организмдаги саратон шишларининг харитасини тузиш мумкин. Шунинг қайд этиш жоизки, бу усул ёрдамида ташхис қўйишда қимматбаҳо микрокоп ёки лазерлар эмас, балки оптик микроскоп ва оқ ёрулик берувчи лампа керак бўлади, ҳоло. Олимлар уларнинг текширув натижаларини «Nano Letters» журналича эълон қилдилар.

**Комил МУҚИМОВ,**  
ЎзФА академиги,  
физика-математика  
фанлари доктори,  
профессор

(Давоми бор.)

Зилзила азалдан улкан талафотлари билан инсониятни жиддий ташвишга солиб келаётган табиий офатлардан бири ҳисобланади. Илим-фан ва техника ривожланиб, юксак чўққилар забт этилаётганига қарамай, ҳозирга қадар ҳеч ким галдаги ер қимирлаши қаерда, қачон ва қандай кучлиниш билан содир бўлишини аниқ айта олмайди. Шундай бўлса-да, кишилар табиатнинг ушбу ҳодисаси сабабларини ўрганиш ва уни олдиндан башорат қилишга ҳаракат қилиб келмоқда. Дастлаб одамлар зилзила хавфини табиатдаги айрим ўзгаришлар ва ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш орқали билишга уринишган бўлса, кейинчалик уни илмий асослашга интилишган.

қурилма яратилди. Мазкур қурилма ёрдамида Ер қобиғи сиртидаги паст энергияли зарядланган зарралар ва нейтронлар оқимининг вақт бўйича ўзгариши ўрганилиб, натижада зилзила хавфини қисқа муддатда олдиндан айтиб беришнинг янги усули ишлаб чиқилди. Сўнгги йилларда содир бўлган бир қанча бўйича сезиларли зилзилалар уни олдиндан аниқлаш усулини шакллантиришда ўзига хос тажриба вазифасини ўтади.

рядланган зарралар ва нейтронлар ўзгаришини бир вақтда аниқлаш орқали ер қимирлашларини қисқа муддатда башорат қилишни мукаммаллаштиради. Агар ушбу қурилма ер юзасидаги сейсмик фаол ҳудудларга ўрнатилса ва олинган сигналлар йўналишлари таҳлил этилиб, ўзаро ахборот алмашинуви йўлга қўйилса, содир бўладиган ер қимирлашининг нафақат вақти, балки эпицентра йўналишини ҳам башорат қилиш мумкин.

хавфсиз жойга қараб ҳаракат қилиш лозим. Кўп қаватли биноларда эса хавфсиз жойларда, яъни остонада, деворнинг асосий бурчакларида тик турилади. Мақталарда эса стол, парталарнинг тагига кириб, бош қисми ва юзни кўлар билан беркитиб олиш лозим. Бундай пайтда бошқаларни ҳам шундай қилишга чакориш керак. Асосий хавф бинодоги осма анжомлардир. Шу сабабли, дераза ва чайқалувчи оғир буюмларда узоқроқда туриш, кўп қаватли

# ЗИЛЗИЛАНИ ОЛДИНДАН АНИҚЛАШ МУМКИН (МИ?)

ёхуд табиий офат юз берганда қандай ҳаракатланиш зарурлиги хусусида

XX аср табиий, техноген ва экологик офатларга бой аср сифатида тарихга кирди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, XXI асрда ҳам ер юзюзида табиий офатларнинг сони оғишмай ошиб бораверар экан. БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича халқаро стратегияси доирасида амалга оширилаётган қузатувлар ва таҳлилларда янги асрнинг ўтган ўн йиллигида содир бўлган барча табиий офатлар орасида салбий оқибатлари кўламини бўйича энг юқори натижани айнан зилзилалар қайд этган.

"Тойота", "Исузу", "Ниссан" ва "Хонда" табиий офат рўй берган ҳудудлардаги заводларида ишлаб чиқаришни тўхтатган.

Олимлар қайд этишича, ер қимирлашларининг кўпчилиги 70 километр чуқурликда содир бўлади. Мутахассислар бундай зилзилаларни сиртки деб аташади. 70—300 километр чуқурликда юзага келган силкиниш эса оралик, 300 километрдан пастда содир бўлса чуқур ер қимирлаши деб юритилади.

Тадқиқотчилар зилзила кучини унинг таъсирига қараб 12 баллик тизимда баҳолашади. Масалан, 1 ва 2 балли ер қимирлашни киши сезмайди. Силкиниш 3, 4 ёки 5 балли бўлганда, анча сезилса-да иморатларга зарар етказмайди. 6 ва 7 балли ер қимирлашида деворларда ёриқлар пайдо бўлади. 8 балда деворлар ёрилиб, баъзи уйлар бузилиши мумкин. 9 балда эса деворлар қулайди, томлар босиб қолади. 10 балли ер қимирласа, бинолар вайрон бўлади, ерда кенглиги 1 метрча ёриқлар пайдо бўлади. Зилзила кучи 11 ва 12 балли ташкил этганда эса ер юзаси рельефи ўзгариши кузатилади. Ерда тик турган нарсалар қолмайди. Шунинг учун 11-12 балли ер қимирлаши ўта дахшатли ҳисобланади.

## ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Дунё сейсмологлари зилзилаларни олдиндан аниқлаш лойиҳалари устида изланишлар олиб бормоқда. Шу ўринда юртимиз олимлари томонидан ҳам ушбу кенг кўламли офатларни содир бўлмасидан аввалроқ қайд этиш ва талафотларни бартраф этишга бағишланган фундаментал тадқиқотлар амалга оширилаётгани ва бу борада айрим натижаларга ҳам эришилгани диққатга сазовор. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физика-техника институти «Физика-Кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир гуруҳ олимлари томонидан экспериментал

Янги қурилма ёрдамида 2011 йилнинг июль-ноябрь ойлари ҳамда ўтган йилнинг февраль-апрель ойларида кузатиш ишлари олиб борилди. Қурилма қузатишлар даврида турли ҳудудларда содир бўлган зилзилалар вақтида нейтронлар ва зарядланган заррачалар оқимининг кескин ўзгаришини қайд этди. Масалан, 2011 йилнинг 19 июлида Тошкент ва Фарғона водийсида юз берган 5 балли зилзила (эпицентра Киргизистон тоғлари) вақтида қайд этилган сигнал 1700 ўлчов бирлигини, кейинроқ — 20 июлда Японияда содир бўлган зилзила вақтида 700 ўлчов бирлигини ташкил этди. Ушбу ер силкинишларидан 2-3 кун олдин ҳисоблагичлар қайд этган сигналлар миқдори бир неча ўн баробар ошиб бориб, офат юз берган вақтгача ўсишда давом этди ҳамда ҳодисадан сўнг унинг кўрсаткичи нолиничи даражага тушиб кетди. Сентябрь ойида қурилма ҳеч қандай сигнални қайд этмади ва бу даврда ҳеч қаерда зилзила содир бўлмади. Октябр, ноябрь ойларида ҳисоблагичлар яна бир неча сигналларни қайд этди ва бу Туркияда 23 октябрь, ҳамда ноябрь ойининг 8-, 10-, 14- ва 24-кунларида содир бўлган зилзилаларда намоён бўлди. 2012 йилда изланишлар яна давом эттирилди ва 5 февралда Киргизистонда ва 7 февралда Японияда содир бўлган ер силкинишларининг сигналлари ҳисоблагичларда қайд этилди.

Олиб борилган ушбу таҳлиллар шуни кўрсатадики, агар содир бўладиган зилзила эпицентра ўрнатилган қурилмага яқин ҳудудда бўлса, кўрсаткичининг энг юқори даражага кўтарилиши кузатилади. Яъни сигналлар даражаси қурилма ва зилзила эпицентра орасидаги масофага ҳам боғлиқ экани маълум бўлди.

Олимларимиз яратган мазкур хабарчи восита бошқаларидан фарқли равишда турли детекторлар ёрдамида за-

## НИМА ҚИЛИШ ЛОЗИМ?

Табиатнинг бундай инжиқликларига қарши курашиш, хавф-хатарларнинг олдини олиш глобал муаммага айланган. Тўғри, инсон кўп ҳолларда табиий офатларни тўхтатишга ожиз, аммо у фавқулодда вазиятларга қанчалик ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўлса, талафотлар шунча камроқ бўлади. Бунда биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган энг зарур ва муҳим чора-тадбирлар ҳақида одамларни ўз вақтида хабардор қилиш мақсада мувофиқдор. Хусусан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фанлар академияси сейсмология институти томонидан тақдим этилган «Зилзилаларнинг узоқ, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари сейсмик таҳлил ва прогноз маълумотлари»дан келиб чиққан ҳолда республикамиз ҳудудида зилзила, унинг оқибатида юзага келадиган табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг зарарини камайтириш, аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга ўргатиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Зилзилаларнинг зарарли оқибатларини камайтиришнинг бир қанча усуллари мавжуд: сейсмик районлаштириш ва сейсморобордош иморатлар қуриш, зилзилаларни олдиндан аниқлаш, аҳолини зилзила рўй берганда, ундан олдин ва кейин ўзини қандай тутишга тайёрлаш ва бошқалар.

Зилзила содир бўлганда кишилардан биринчи галда ақл-заковат ва осойишталик билан иш тутиш талаб қилинади. Шунда уларнинг шикастланмаслик даражаси анча юқори бўлади. Айниқса, хотиржамлик билан атрофдагиларга ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг тарсимага тушиб қолмаслиги учун замин ҳозирланади. Тебранишни сезган вақтда секин-аста

бинода зилзила вақтида илжи борица лифддан, зинапоядан фойдаланмаслик керак.

Бундан ташқари, уйдаги газ, сув, электр тармоқларининг хавфсизлантирадиган жойларини билиш, уй тиббиёт кутиси, биринчи ёрдам учун зарур бўлган дори-дармонлар, ноҳуш вазият юзага келганда хизмат кўрсатиш ташкилотларининг телефон рақамлари, зарур ҳужжатлар турган аниқ жой ва бошқа керакли кўрсатмалар тўғрисида ҳар бир киши маълумотларга эга бўлиши шарт.

Зилзила куннинг исталган вақтида рўй беришини унутмаган ҳолда хонанинг асосий девор бурчаги, эшик рамактарининг ўрни, кароват, стол таги каби хавфсиз жойлар ҳақида ёш болаларга ўргатиш, ноғирон ва қарияларга бу ҳақда тушунча бериш лозим.

Зилзила пайтида бино ташқарисидикилар, иморатларнинг шикастланиши ва бузилиши эҳтимоли мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда улардан узоқроқ, очик жойга ўтишга ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ. Бунда электр тармоқлари, реклама тахта-ларидан узоқроқда туришга ҳаракат қилиш керак.

Кўп қаватли бино, ёнилғи қуйиш шохобчалари, электр узаткичлари, тик қиялик, дарё ўзанининг ёни зилзила вақтида машина ҳайдовчилари учун хавфли ҳисобланади. Бундай ҳолларда ҳаракатланаётган транспортни очик жойда тўхтаиб тебраниш ўтиб кетишини кутиш даркор.

Тоғли ва тоғолди ҳудудларда яшайдиган аҳоли эса ер силкиниши натижасида содир бўлиши мумкин бўлган кўчки, сув тошқини, сел келиши хавфи мавжудлигини унутмаслиги, олдиндан ҳи-мояланишга тайёр бўлмоғи лозим.

«Ma'rifat» мухбири Сурайё СИРОЖИДДИНОВА тайёрлади.



## ТАЛАФОТНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Сўнгги йилларда Япония, Гаити, Чили, Индонезия, Перу давлатларида содир бўлган ер силкинишлари оқибатида юз минглаб киши ҳаётдан кўз юмган, миллионлаб аҳоли эса бошпанасиз қолган. Бу каби ҳолатлар ер ости силкинишларини олдиндан билиш заруратининг нақадар долзарб ва глобал масала эканини кўрсатмоқда.

Манбаларда келтирилишича, 2011 йилнинг март ойида Японияда юз берган 9 ва 6 балли зилзила натижасида 10 мингдан ортқ киши қурбон бўлган, 500 мингга яқин киши эса турар жойидан айрилган. Рўй берган табиий офат Япония иқтисодиётига ҳам жиддий зарар етказган. Хусусан, мамлакатнинг йирик автомобиль sanoati компаниялари —

## УЧ ЎЛЧАМЛИ РУЧКА

Оддий ручка қоғозга эн ва бўйдан иборат икки ўлчамли сурапти туширади, холос. «Kickstarter» сайтида намойиш этилган янги лойиҳа — 3D-ручка ёрдамида уч ўлчамли расм чишиш имконияти мавжуд экан.

Технология оламида урфа кирган 3D-принтерлари ёрдамида организм тўқималари, замонавий либослар тайёрланмоқда. Умуман олганда, ишбу қурилмаларнинг келажакка катта ишонч билан қаралмоқда ва айни вақтда, мутахассислар ишбу босма машиналар бозорларда тўлиб-тошганини қайд этишмоқда. Қўшимчасига, бу қурилмалар ҳозирча жуда қиммат, фойдаланиш мураккаб, шунингдек, маҳсулотнинг сифати ҳам талаб даражасида эмас.

3Doodler номини олган 3D-ручка ҳам ана шундай моделлаштирувчи принтерлар билан бир хил вазифани бажаради. Унинг пастасидан оқувчи эриган пластик шу заҳоти совуб қотиб қолади ва «ҳавода» уч ўлчамли моделларни пайдо қилади.

Электр қуввати ёрдамида ишловчи бундай ручкалар билан ҳайкаллар, тақинчоқлар, болалар учун ўйинчоқлар ясаш мумкин.

Компания вакили Дэниел Коуеннинг сўзларига кўра, мутахассислар ҳозирги кунда ўз кашфиётларининг ток мабасисиз ишлайдиган кўриниши устида изланиш олиб боришмоқда. Батарея қуввати асосида ишлайдиган 3Doodlerни тайёрлаш кўп вақт ва катта маблаг талаб қилади. Шунга қарамай, модель устида ишлар давом эттирилмоқда.

Оммавий сотувга чиқарилиши режалаштирилаётган 3Doodlerнинг нархи 75 долларни ташкил этиши кўтилмоқда.

Мўъжизали ручка кашфиётчиларининг келажак режалари жуда катта: улар кўриниши худди шунга ўхшаш, лекин ҳақиқий конфетларни «чиза олади» қурилмани тайёрлашмоқчи.

— Назарий жиҳатдан биз пластик ўрнига шакларни эритишимиз ва конфетлар тайёрлашимиз мумкин. Бироқ ҳозирча егулик ишлаб чиқаришнинг хавфсизлик масалаларини батафсил ўрганиб чиққангиз йўқ. Тез орада янги гоёмиз устида ҳам жиддий иш бошлаб, махсус синовлар ўтказамиз, — дейди Коуен.

## КЎЗОЙНАКНИНГ ВАЗИФАСИ ОРТДИ

«Google» компанияси «Glass» лойиҳаси доирасида тайёрланган ва тақиб юриладиган мини-компьютернинг имкониятларини очиб берадиган видео-роликни намойиш этди.

Веб-корпорация 2012 йилдан бери воқеликни маълумотлар асосида акс эттирувчи «акли» кўзойнаклар устида иш олиб бормоқда. Гаджет ёрдамида фойдаланувчи овозли кўнғироқларни амалга ошириши, видеосанлар ўтказиши, турли хабарларни олиши, мусиқа

эшитиши мумкин.

Мини-компьютерни «OK, Glass» («Ҳаммаси жойида, Кўзойнак») оғзаки буйруғи орқали бошқариш мумкин. Фойдаланувчи видео ёки фотосўёмкани ишта тушириши, кўзойнакка хабар жўнатиши ёки сўзни бир тилдан бошқа тилга таржима қилишни буюриши мумкин. Масалан, таништирувчи видеороликда «акли» кўзойнакдан йўлбарсининг фотосуратини кўрсатиши ёки тай тилида «бу ширин» деган жумлани таржима қилиш сўралгани намойиш этилган.

«Google»нинг режасига кўра, қурилма шахсга атрофни ўраб турган борлиқни кўриш имконини яратиб турли ахборотлар (масалан, йўналиш кўрсаткичлари ёки об-ҳаво маълумотлари) билан танишишга замин ҳозирлайди. Барча маълумотлар фойдаланувчи учун кўринарли жойда, кўзойнакнинг юқори ўнг бурчагида жойлашади.

«Google» кўзойнаклари кичик шаффоф экран билан таъминланган. Унда кўрсатиладиган ахборотлар



кўринаётган манзарага қоришиб кетади, шунинг учун ҳам «Glass»ни «тўлдирилган воқелик кўзойнаклари» деб ҳам аташмоқда. Қурилма «Android» операцион тизими асосида ишлайди ва интернетта улашиш учун смартфон ёки планшетдан фойдаланилади.

Бу каби кўзойнаклар 2013 йилнинг биринчи ярмида сотувга чиқарилиши кўтилмоқда.

## ҚАҲВА ҲОМИЛА ВАЗНИНИ КАМАЙТИРАДИ

Онанинг ҳомиладорлик вақтидаги овқатланиш рацион эмбрион ривожланиши ва боланинг соғлом туғилиши учун муҳим аҳамиятга эга. Витаминларни ўз ўрнида қабул қилиш эмбрионни мустаҳкамлайди. Масалан, витамин В9 бола умуртқасининг нотўғри ривожланиши хавфини камайтиради. Аммо бу вақтда истеъмол қилинган ҳамма нарса ҳам бола учун фойдали бўлавермас экан. Норвегия институти мутахассисларининг бу борадаги изланишлари шуни кўрсатдики, ҳомиладорлик вақтида истеъмол қилинган кофеин гўдакнинг вазни камайиб кетишига олиб келар экан.

Кофеин озик моддалар ва кислород билан бирга ҳосил бўлган йўлдош ҳимояни енгиб ўта олади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари ҳомиладорлик даврида кофеин истеъмол қилишни бир кунда 300мг.гача камайтиришни тавсия қилмоқда.

Ҳомиладор аёл истеъмол қилган кофеиннинг болага таъсирини ўрганиш мақсадида олимлар ўн йилдан ортиқ оналарнинг овқатланиши ва янги туғилган чақалоқларнинг саломатлигини кузатишди. Тадқиқотда 60 мингдан ортиқ ҳомиладорлик даври маълумотлари ўрганиб чиқилди.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, кофеиннинг барча манбалари — қаҳва, чой, салқин ичимликлар, какао, десерт, шokolad ва бошқалар бола вазнининг камайишига олиб келар экан.

Болалардаги кам вазнлик унинг соғлиги билан боғлиқ қисқа ва узоқ муддатли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бир кунда 200 — 300 мг. дан зиёд кофеин боланинг кам вазли бўлиб дунёга келиш эҳтимолини уч марта оширади. Шундай экан, кофеин истеъмоли микдорини меърашлатириш келажак авлод саломатлиги учун жуда муҳим.

## ХАВФ-ХАТАРДАН САҚЛАНИШ ЙЎЛИ

Швейцариянинг Цюрих олий техник мактаби зоологари Цюрих университети мутахассислари билан биргаликда ҳайвонот оламининг хавф-хатарларини қандай қарши олиши ҳусусида изланиш олиб боришди. Тадқиқотлар Калахари чўлида яшовчи Африка суғурлари устида олиб борилиб, изланиш натижалари «PLoS ONE» интернет нашрида эълон қилинди.

Тўда бўлиб яшовчи ёввойи ҳайвонларнинг хатарни қарши олиши ва унга нисбатан ҳосил қиладиган реакцияси ҳам ҳар хил бўлар экан. Тадқиқотчилар чўлини кесиб ўтган автйўлда кузатув ишларини олиб бордилар. Маълумки, текисликлар суғурлар учун хавфли худуд ҳисобланиб, улар имкон қадар бундай жойлардан узоқроқ юришга ҳаракат қилишади. Автйўлга қараб келаятган суғур тўдаси текислик бошланиши билан ҳаракатдан тўхтайдилар. Орқароқда келаятган тўда аъзоларидан бири олдинга ўтиб хатарнинг тўдага дахл қилмаслигига ишонч ҳосил қилади ва шундан сўнг тўдабоши йўлбошчилигида пода ҳаракатни давом эттиради. Тўдабошининг бу ҳаракатини мутахассислар ўзига хос зўравонлик деб эмас, аксинча сардорнинг ҳаёти тўданинг бошқа аъзолари ҳимояси ва ҳаётига бевосита боғлиқ дея баҳолашди. Кузатишлар якунида бу ҳолат тўданинг ҳар бир аъзоси тўдабошини асрайди, деган хулосага келинди.



«Ma'rifat» муҳбири  
Дилроз АБРАЕВА тайёрлади



Хитойнинг Гуанчжоу провинцияси маркази Гуйян шаҳрида жойлашган «Bestchem» кимёвий заводида рўй берган портлаш оқибатида 5 нафар ишчи жароҳатланган, 1,5 километр худудда истиқомат қилувчи қарийб 20 минг аҳоли эвакуация қилинган.

АҚШнинг Массачусетс технология институтининг худудидagi ўқув биноларининг бирида номаълум қуролланган шахс пайдо бўлганлиги ҳақида маълумот тарқалгач, фавқулдда ҳолат эълон қилиниб, ўқув юрти жойлашган Кембриж шаҳри полицияси томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Австралия шарқида рўй берган сув тошқинлари сабаб Янги Жанубий Уэлс штатида икки нафар киши ҳаётдан кўз юмган, 20 минг аҳоли эса ташқи дунёдан узилиб қолган, шунингдек, Сидней шаҳри яқинида юз берган кучли жала ва торнадо бир қанча уйларга шикаст етказган.

Портловчи моддалар ишлаб чиқарувчи компания ишчисининг шахсий уйида сақланаётган тез ёнувчи маҳсулотлар портлаши оқибатида Вьетнамнинг йирик шаҳарларидан бири Ҳошиминда 7 киши ҳалок бўлган ва уч нафар одам бедарак йўқолган.

Америка Қўшма Штатларида ўтказилган «Дайтон 500» автомобиллар пойга-си чоғида катта тезликда келаятган автомобиллар бирининг ҳайдовчиси бошқарувни йўқотиши натижасида автомобиль тўсиқча урилиб, унинг парчаси томошабинлар устига тушган ва натижада жароҳат олган 28 кишининг 11 нафари оғир аҳволда шифохонага ётқизилган.

Белгия Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан вояга етмаганлар учун мобил телефонлари рекламасини тақиқлаш, ўйинчоқлар шаклидаги уяли алоқа воситаларни савдосига текловлар ўрнатилган ҳамда маҳсулотлар ёрлиғига нурланиш даражасини мажбуран қайд этиш тўғрисида ишлар қийилган қарор ҳукумат томонидан қабул қилинди.

1999 йили Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактаб томонидан Ходжаев Зиёвдин Алаудинович номига берилган O'R-A 569566 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР САФИ ОРТМОҚДА

Бугун юртимизда бир қатор спорт турлари бўйича халқаро мусобақаларда шохсуланинг энг юқори ўринларидан жой олиб келаётган чемпион спортчиларимиз кўпчиликини ташкил этади. Бу эса барча юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Яна бир муҳим жиҳат борки, бу ҳам бўлса ана шу чемпионларга ҳавас қилиб мунтазам спорт билан шуғулланаётган, уларнинг изидан бориб ютуқларга эришаётган ёшларимизнинг сафи ортаётганидир.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сурхон воҳасида ҳам болалар спортини ривожлантиришга, аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия билан шуғулланишга кенг жалб этишга катта эътибор қаратилмақда.

2011 йили Термиз шаҳридаги «Алпомиш» кураш мажмуаси қошида курашга ихтисослашган вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилди. Қисқа фурсат ичида тилга тушиб улгурган кураш мактабидан барча имкониятлар ва шарт-шароитлар муҳайё. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган спорт маскани-

да республика ва ҳатто халқаро миқёсда ҳам турнирлар ўтказиб келинмоқда.

— Замон талаблари асосида қурилган уч қаватли кўркам бинодаги шароитлардан ўтган йили 1994-1995 йилларда туғилган ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилган республика чемпионати иштирокчилари мамнун бўлдилар, — дейди спорт мактаби директори Илҳом Абдусатторов. — Ушбу чемпионатда мактабда тарбияланаётган ўқувчилар ҳам яхши натижаларга эришиб бутун жамоага қувончли оналари тақдим этишди. Жумладан, Дилшод Суннатов (71 кг), Ромиш Раҳматов (85 кг),

## Bolalar sporti



Роҳатой Алмуродова (70 кг), Роҳатой Менгнйёзова (мутлақ вазн) кумуш медаллар билан тақдирланган бўлса, М.Холмуродов (85 кг), З.Одилова (52 кг) ҳамда Б.Бўриева (63 кг) бронза медалларини қўлга киритишди. Айни пайтда ўқувчиларимиз малакали мураббийлар кўл остида спорт сирларини пухта ўрганишмоқда.

Шунингдек, ўтган йили дзюдо бўйича вилоят терма жамоасини шакллантириш мақсадида болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақага ҳам мазкур спорт мак-

таби мезбонлик қилди. Унда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан спортчилар ўз иқтидорини намойиш этиш учун гиламга чиқишди. Мурасасиз кечган беллашувларда мактабимиз тарбияланувчилари ҳам совриндорлар сафидан жой олди. Бу эса олиб бораётган меҳнатларимиз ўз самарасини бера бошлаганидан дарак, албатта.

Спорт матабиди таълим ва тарбия олаётган ўқувчилар мунтазам равишда «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг вилоят ва республика босқичида ҳам муносиб қатнашиб совриндор бўлиб қайтмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси вилоят филиали ва «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамаияти бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган кураш, белбоғли кураш, дзюдо мусобақалари ўқувчилар муваффақиятининг асосий омилли бўлиб, улар учун руҳий ва жисмоний тайёргарлик вазифасини ўтмоқда.

**Норкуват ТўРАЕВ**  
Сурхондарё вилояти



## ЭГАСИЗ ҚОПГАН КАМАР УЧУН ЖАНГ

Колумбиялик боксчи Хонатан Ромеро IBF таснифига кўра, 55,3 килограмм вазн тоифасида жаҳон чемпионлиги камарини қўлга киритиш учун мексикалик чарм қўлқоп соҳибига Александр Лопесга қарши рингга кўтарилди.

Мексиканинг Тихуан шаҳрида кечган қарама-қаршилиқ 12 раунд давом этди. Унда уч нафар ҳақамнинг икитасининг бир хил қарорига кўра, Хонатан ғалабага эришди.



26 ёшли колумбиялик боксчи профессионал фаолияти давомидида жами 23 бор жанг ўтказиб, бирортасида ҳам мағлубиятга учрамаган. 12 марта рақибларини нокаутга уратган.

55,3 кг. вазнли боксчилар ўртасида IBF таснифидидаги чемпионлик камарининг соҳиб қилиб Филиппинлик Нонито Донэр совриндан икхитрий таразда воз кечган, чемпионлик камари эгасиз қолгандир.

## «ОСИЁЧА» РЕВАНШ

Теннис бўйича Мемфис шаҳрида якунига етган нуфузли халқаро турнирнинг эркаклар ўртасидаги яқкалик баҳсларида япониялик ракеткачи Кэй Нисикори бош совринни қўлга киритди.



У финал баҳсида испаниялик ҳаммасби Фелисиано Лопесга қарши қорға чикди. Бир соату етти дақиқага чўзилган матч «тақдир» икки сет натижасига кўра ҳал бўлди: 6:2, 6:3. Мурасасиз курашларга бой кечган учрашувда Кэй тўрт брейкда устун чикди.

Мазкур муваффақият Нисикори фаолиятидаги учинчи АТР турнири ютуғи сифатида эътиборлидир.

Эслайтиб ўтамиз, испаниялик теннисчи ярим финалда Жон Изнер, Майкл Рассел сингари кучли ракеткачиларни енгган юртдошимиз Денис Истомино билан куч синашганди...

## ГРАНД ЖАМОАЛАР БАҲСИ

Дам олиш кунлари Европа мамлакатлари чемпионатларининг гранд жамоалари иштирокиди бир қатор муҳим учрашувлар бўлиб ўтди.

Хусусан, Англия премьер лигасида иккинчи ўрин учун курашаётган икки кучли жамоа: «Манчестер Сити» ва «Челси» ўртасидаги баҳсни миллионлаб мухлислар тўғридан-тўғри кузатишди. Учрашув қизиқарли лавҳаларга бой бўлди.



Жумладан, «аристократлар» ярим ҳимоячиси Ф.Лэмпарднинг кутилмаганда пенальтидан унумли фойдалана олгани мезбонлар руҳиятига ижобий таъсир этди ва якуний натижа 2:0 кўринишини олди.

Италия А сериясида эса мухлислар «Милан дербиси»га гувоҳ бўлишди. «Интер» клуби ўз майдонида «Милан»ни қабул қилди ҳамда матч 1:1 ҳисобида якунланди.



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

# УСТОЗ БАҲТИ — ШОГИРДЛАР КАМОЛИДА

Тошкентда самбо бўйича ўтказилган Осие чемпионатида Андижон давлат университетини талабалари Ислам Азимов (100 кг.), Нуриддин Тилаволадиев (68 кг.), Шаҳло Йўлдошева (48 кг.) ва Маликабону Мирзаева (56 кг.) ғолиб чиқиб, олтин медалга сазовор бўлишганди. Шунингдек, жаҳон чемпиони, уч карра Осие биринчилиги ғолиби Маликабону Мирзаева 2012 йил якуни бўйича Андижон вилоятининг «Энг яхши спортчиси» деб топилди.

Юқорида номлари тилга олинган спортчилар иқтидорининг юзага чиқишида яратилган шароитлар ва имкониятлар билан бирга, ўз касбининг фидойиси бўлган тажрибали устоз-мураббийларнинг ҳам хизмати беқиёс. Таниқли мутахассис Баҳром Расуловнинг шогирд тайёрлаш борасидаги тажрибаси бунга мисол бўлади.

У ўзининг мураббийлик фаолияти давомидида самбо бўйича етти нафар жаҳон чемпиони, 35 нафар Осие чемпиони, 7 нафар халқаро тоифадаги спорт устасининг етишиб чиқишига

хисса қўшган. Шогирдлари ҳар бир машғулотда ва мусобақалардаги муваффақиятларида устози Баҳром Расуловнинг муносиб ўрни борлигини фахр билан тилга олишади. Чинакам мураббий учун бундан улкан бахт йўқ, аслида.

— 2003 йили Андижон олимпия захиралари коллежи учун мухташам ва замон талабларига тўла жавоб берувчи бино барпо этилгач, шогирдларим билан янада кўтаринки рудада шуғулланишга шароит яратилди, — дейди Б.Расулов. — Бу ердаги имкониятлардан фой-

даланиб, янгидан-янги кураш усулларини ўрганаётган ёшларимиз халқаро майдонда ютуқларга эришмоқда. Яна бир қувонарли жиҳати шундаки, шогирдларим орасида мураббийлик йўлини танлаётганлар ҳам кўп. Хусусан, Шаҳло Йўлдошева ва айни дамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида самбо бўйича навқирон авлод вакилларига мураббийлик қилиб келмоқда.

Андижонлик самбочилар яқин кунларда ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатида қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Ушбу турнир Осие чемпионатида йўлланма олишда саралаш мусобақаси вазифасини ҳам ўтайди.

**Орифжон СИДДИҚОВ**  
Андижон вилояти

**Ҳурматли Зокир ЖўРАБОВ!**

**Сизни кутлуг ёшингиз билан муборакбод этамиз! Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 4-мактабда ўқувчиларга кўп йиллар мобайнида математика фанидан самарали сабоқ бердингиз. Машаққатли ва шарофли фаолиятингизга зафарлар тилаймиз. Оила аъзоларингиз, яқинларингиз, шогирдларингиз бахтига ҳаммиша омон бўлинг.**

**Сизга узок умр, мустаҳкам соғлиқ, ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги меҳнатингизда муваффақият ёр бўлсин!**

**4-мактаб жамоаси ва фарзандларингиз**

# СОҒЛОМ АВЛОД МАКТАБИ

Президентимиз Ислom Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўғил-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни жисмонан ва маънан соғлом тарбиялашга хизмат қилмоқда.



Буни пойтахтимиздаги "Қушбеги" болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мисолида ҳам кўриш мумкин. Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги бу мактаб фойдаланишга топширилган дастлабки йилда унга қатновчилар кўп эмасди. Шароитлар яхшилангач, спорт сирларини ўрганишга иштиёқманд ёшлар сафи ҳам кескин кенгайди. Бугун футбол, вoleybol, баскетбол, киккбoksинг, универсал жанг, таэквандo, муайтай, бадий гимнастика секцияларида 600 нафардан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуг'ullanмоқда.

**Суратларда:** пойтахтимиздаги "Қушбеги" болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Иброҳим Фаттоев ҳамда мураббий Ирода Қодирова шогирди Фарангиз Исроилова билан машғулотда. Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

## Bolalar sporti



### 2013 йИЛДА ҚИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЎРТМАЛАР КАБЪЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!

#### 2013 йИлда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қўлай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайндоги уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равион йўлларга эга;



• Янги уйда оилаңиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

#### Оқилонгиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маълумоти билан оқилонгиз режалар ва орзуларни амалга ошириши учун сарфлабсиз;
- Янги уйлар зинда дхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратибди.

• Янги уйлар Сиз учун узок мuddатли сармов ва фарзандлар учун мерос.



#### Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатингизни кўпайтириш имконияти;
- Имтиёзли фoиз ставкасида 15 йил мuddатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Моши миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгаришсиз;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежаскорлик ва арзон нархлар сармови.



### Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтсан пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Улғуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



#### Марҳамат, мурожаат қилинг!

- Туман ёки вилоят ҳокимликларида;
- Қишлоқ еки маҳалла фуқаролар йиғинларида;
- Қалъалот ЕНХ бўлиқларида;
- Хотин-қизлар кўмиталарида;
- Қишлоқ қурилиш банк филиалларида, мини банкларида;
- Қишлоқ қурилиш инвест фирмаларида.

100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз, 36  
Тел: (+998 71) 150-93-39  
Факс: (+998 71) 150-39-93  
www.gqb.uz  
e-mail: headoffice@gqb.uz

## Ma'rifat

### ТА'СИС ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. F-218. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

"Ma'rifat" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat raxsati bilan amalga oshirish shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Liliya BINASHEVA. Navbatchi muharrir: Zohidjon XOLOV. Navbatchi: Jo'rabek JANGIROV.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxonada manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy  
ЎЗА ахуни — 23.05  
Топширилди — 23.05